



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqqa boshlagan

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

2014-yil 30-oktabr, payshanba, 43 (571)-son

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

«Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига

Хурматли меҳмонлар! Мухтарам конференция иштирокчилари!

«Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» халқаро конференциясида иштирок этаётган Оролни қутқариш халқаро жамғармасига аъзо давлатлар делегацияларини, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, донор мамлакатлар ҳукуматлари, экология ташкилотлари, дипломатик корпус вакилларини, таниқли олим ва экспертларни қутлаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Мазкур форум Марказий Осиё минтақаси учун энг мураккаб муаммолардан бири — Орол денгизининг экологик ҳалокати ва ушбу офат оқибатида юзага келган аҳоли геонифонди ва саломатлиги, турмуш шароити ва даражаси, Оролбўйининг ўсимлик ва ҳайвотот олами билан боғлиқ ўткир муаммоларни кўриб чиқишга бағишланган.

Яқин-яқин вақтларгача Орол денгизи Марказий Осиё иқтисодий ривожлантириш, озик-овқат ишлаб чиқариш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва барқарор ижтимоий инфратузилмани шакллантиришда муҳим ўрин тутар эди. Оролбўйи сув ҳавзаларида йилга 35 минг тоннагача балиқ овланар, Амударё ва Сирдарё дельталаридаги унумдор ерлар, юқори самарали яйлов ва сув ҳавзалари миллионлаб одамларнинг қорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида иш билан бандлигини таъминлар эди.

Бироқ минтақадаги йирик дарёларда уйламасдан улкан гидротехник иншоотлар қурилгани, трансчегаравий дарёлар ҳисобланган Амударё ва Сирдарёнинг табиий оқими нотўғри бошқарилиши энг янги тарихда Ер юзидаги гоёт оғир экологик ҳалокатлардан бирини юзага келтирди. Бир пайтлар дунёдаги энг ноёб, гўзал ва йирик ёпиқ сув ҳавзаларидан бири бўлган Орол денгизи бир авлод кўз ўнгига батамом йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турибди. Бу эса минтақада мисли кўрилмаган офатга айланиб, Оролбўйида яшаётган аҳоли ҳаётига, бу ердаги экотизим ва биохилма-хилликка ўнглаб бўлмайдиган даражада зарар етказмоқда.



Сапар Урмонов (ўса) олган сурат

Саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш йўлида

Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан Урганч шаҳрида 28-29 октябрь кунлари «Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди



Анжумани ўтказишдан кўзланган мақсад жаҳон ҳамжамияти саъй-ҳаракатларини Оролбўйи минтақасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий аҳолини яхшилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга жалб этиш, ушбу экологик офатнинг салбий оқибатларини камайтириш учун халқаро ҳамкорликни янада ривожланти-

ришдан иборат. Унда БМТ, ШХТ, Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ, Ерости сув ресурсларини баҳолаш халқаро маркази, Осиё тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, ОПЕК каби 24 нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, молия институтлари вакиллари, Австрия, Венгрия, Германия, Испания, Хитой, Латвия, Малайзия, АҚШ, Франция, Швейцария, Жанубий Корея, Япония сингари 26 давлатдан экология, иқлим ўзгариши ва сув ресурсларини бошқариш

соҳаси олим ва экспертлари иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси раиси Ислам Каримовнинг халқаро конференция иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов ўқиб эшиттирди. БМТ Бош котиби Пан Ги Мун ўз видеоурожаатида дунёдаги кенг кўламли антропоген ҳалокатлардан бири деб эътироф этилган ва миллионлаб аҳоли ҳамда атроф-муҳитга катта зарар етказётган Оролбўйи минтақасидаги экологик бўҳрон муаммолари муҳокамасига

бағишланган ушбу халқаро конференцияни ўтказиш муҳимлигини таъкидлади. Иштирокчиларга Орол денгизи ҳавзасида юзага келган мураккаб вазият билан боғлиқ муаммолар ва минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига бағишланган видеофильм намойиш этилди. ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокваннинг анжуман қатнашчиларига йўллаган табригини ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари, Осиё ва Тинч океани мамлакатларидаги илмфан бўйича минтақавий ваколатхонаси директори Хуберт Гизен ўқиб эшиттирди.

Электорат манфаатига мос қонун лойиҳалари

О'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этувчи ҳамда бевосита партия электорати манфаатларига алоқадор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди

Депутатлар, экспертлар ва пай фондлари тўғрисидаги ва соҳа мутахассислари, ОАВ вакиллари иштирок этган йиғилишда дастлаб Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция

«Мен нега О'zLiDePга аъзо бўлдим?»

— Ижтимоий-сиёсий жараёнларга қизиқишим боис О'zLiDeP фаоллари томонидан ўтказиладиган партиявий тадбирларда иштирок этардим. Мулоқотлар чоғида шуни англадимки, инсон ўзи ўйлаган хайрли ниятларини рўйбга чиқариш учун кўпчилик бўлиб, гоҳдошлари билан бирлашиб курашсагина, салмоқли ютуқларга эриша оларкан. Айнан ушбу сиёсий партияни талашимга туртки берган омил ҳам бор. «Нега айрим давлатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётда бу қадар илгариллаб кетдилар?» деган савол устида кўп бош қотирганман. Муस्ताқил равишда изланиб, бунинг сирини улар хусусий сектор ривожини учун қулай шароитлар яратганида, либерал гояларни кенг миқёсда ҳаётга татбиқ этишининг ушадиган чиққилиқларида экан, деган қарорга келдим. Айтқоғи бўлганим — сиёсий қарашларим О'zLiDeP гоялари билан низолатда уйғун. Сира иккиланмай, партияга аъзо бўлганим сабаби ҳам шу. Эътироф этиш зарурки, партия ёшларнинг иқтидорини, орзу-мақсадлари рўйбга чиқиши учун ҳаракат қилляпти. Мен ҳам бу имкониятлардан унумли фойдаланишга интилялман. «Ишбилармон талаба-2014» кўрик-танловининг вилоят босқичида архитектура ва дизайн йўналиши бўйича голибликни қўлга киритдим. Бизнес-лойиҳада йиғитчиларнинг интеллектуал салоҳияти орттиришга хизмат қилувчи махсус интернет-клуб фазалликлари батафсил кўрсатилган. Муस्ताқилбек ЖАЛОЛОВ, Бухоро давлат университети қошидаги 4-сонли академик лицей талабаси.

МУНОСАБАТ

Мамлакатимиз раҳбарининг биз фермерлар — қишлоқ мулкдорлари давлатга пахта сотиш юзасидан зиммамизга олган йиллик контрактация шартномаларини ёруғ юз билан бажариб, 3 миллион 400 минг тонналик пуриқор хирмонни бунёд этганимиз муносабати билан йўллаган табригида аграр соҳанинг заҳмати тўғрисида самимий сўзлар, сермазмун фикрлар жуда кўп

Худойберган ЭРНАЗАРОВ, Элликқалъа туманидаги «Х.Эрназаров» фермер хўжалиги раиси, О'zLiDeP аъзоси

фидойиликни талаб қилишини бутун элимиз, хағлимиз яхши биллади ва бу йилги мавсумда қўлга киритган зафарларининг юксак баҳолайди, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан», деган сўзлар юртимизнинг барча пахтакорлари қатори эллиқалъалик миришкорларни ҳам тўпқинлаштириб юборди. Зеро, «Соғлом бола йилги»да қишлоқ мулкдорлари режадаги 25175 тонна ўрнига 28645 тонна «оқ оптин» етиштирилди. Пахтачиликда юқори натижани қўлга киритган 19 туман қаторида Элликқалъа ҳам тилга олингани биздан тўпланган тажрибани янада тақомиллаштиришни талаб этади, албатта.

«Пахта ўстиришининг ўзи ҳар қайси деҳқон, фермер ва мутахассисдан нақадар мураккаб ва оғир меҳнатни, кўчур билим ва тажрибани, она еримизга меҳрини бериб, тупроқ билан тиллашиб яшашни, лўнда қилиб айтадиган бўлсак, кундалик

Тупроқ билан тиллашиб...

центнерлик маррадан ўзиб келяпмиз. Давлатимиз раҳбарига, ҳукуматимизга минг бора раҳмат, қирқ центнерчилик ҳаракатини бирор бир мавсумий иш эмас, доимий саъй-ҳаракатга айлантиришимизга иқтисодий неғиз, рағбат яратиб бергани учун. Яқинда даламизга бир ҳамкасбим келиб «Илгорлар қатори қирқ центнер пахта олиб, фермер хўжалигим ҳисобидан енгил машина минмоқчиман. Бунинг учун биринчи навбатда нима қилишим керак?» деб сўради. «Биринчи навбатда машина олишни эмас, ерни ер қилиш, шўрини ювиш, озиклантириш, «шарбат суви» бериш, яхши нав танлаш, энг муҳими, тилини топиш тўғрисида ўйлаш керак» дедим. Дўстимизга бу гаплар хил баландпарвоз туюлганини сездим. Аммо юксак натижаларга эришишнинг бошқа йўли йўқ. Бунда дала шийпонини том маънода иккинчи уй қилиб жиҳозлаганимиз ҳам ўта муҳим аҳа-

миятга эгадир. Даламиз дунёга маълум археология ёдгорлиги — Тупроққалъанин шундоқ бири-нида жойлашган. Бир-икки ҳафта аввал бир гуруҳ европалик сайёҳлар шийпонимизда тўхтаб, бир фурсат сўхбатлашди. Оқдларига таңдирдан узилган иссиқ нон, шу ернинг узуми, қовунини қўйдик. Замонавий усулда филтрланган ичимлик суви истеъмол қилаётганимизни кўриб сайёҳ ўз тилида нимадир деди. Таржимон ҳоржиклик меҳмон нанкин деҳқончилик, балки яшаш илмида ҳам анча илгариллаб кетганимизни тан олганини айтди. Биз бундан жуда қувондик. Албатта, ютуқларимизни янада мустаҳкамлашимиз, пахтачи етиштириш ва териб олишда янада интенсив технологияларни қўллаймиз. Бунга ишончим комил. Шу муносабат билан мамлакатимиз аҳлини яратилган юксак пахта хирмони билан қорқал-поистонлик фермерлар номидан самимий табриқлайман!

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕҒАШЛАРИ САЙЛОВИГА

51 КУН ҚОЛДИ

АНИҚ САВОЛГА

— Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар вакилларидан ташқари яна кимлар қатнашишлари мумкин?

— Сайловга тааллуқли жараёнларда оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга. Мазкур норма «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасида ўз ифодасини топган.

АНИҚ ЖАВОБ

БУГУНГИ СОНДА:

- ЖАРАЁН**
Ҳали далаларда ҳосил мўл
- КҮЙИ БҒИНЛАРДА**
Сайловчи ҳамда партия ўртасидаги ишончли кўприк
- ИҚТИСОДИЁТ**
Навоий ИЭС: кеча, бугун ва эртага
- ХАЛҚАРО ҲАЁТ**
Нуфузли минбарда илгари сурилган гоялар

| | | | | | | | | | |
|-------------------------|---------|--------------------|---------|---------------------|--------|--------------------|---------|-----------------------|---------|
| 1 Австралия доллари | 2101,24 | 1 АҚШ доллари | 2383,98 | 1 Хитой юани | 389,88 | 1 Польша злотийси | 719,37 | 1 ЕВРО | 3035,95 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3839,16 | 1 Миср фунти | 333,42 | 1 Россия рубли | 57,02 | 1 СДР | 3540,42 | 10 Жанубий Корея вони | 22,66 |
| 1 Дания кронаси | 406,86 | 1 Исландия кронаси | 19,79 | 1 Украина гривнаси | 184,09 | 1 Туркия лираси | 1068,38 | 10 Япония иенаси | 220,86 |
| 1 БАА дирҳами | 649,07 | 1 Канада доллари | 2124,38 | 1 Малайзия ринггити | 729,27 | 1 Швейцария франки | 2510,77 | | |

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

«Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига

Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада ▼

Амударё ва Сирдарёнинг Оролга умумий қўйилиш ҳажми кейинги эгилк йил ичида қарийб 5 баробар, Орол денгизининг суви 14 баробардан кўпроқ қамайди, унинг шўрланиши даражаси эса деярли 25 марта ортди. Бу Орол денгизда илгари бўлган бадиқ ва бошқа денгиз мавжудотларининг деярли буткул йўқолишига олиб келди.

Яқин-яқинларгача ўзининг улкан биохилма-хиллиги билан машҳур бўлган Оролбўйи минтақасида ўсимликлар ва ёввойи ҳайвонлар тури кескин қамайиб бормоқда, жумладан, сўт эмизувчиларнинг 12, қўшларнинг 26 ва ўсимликларнинг 11 тури буткул йўқ бўлиш хавфи остида турибди. Оролнинг қуриган қисми ўрнида ҳосил бўлган 5,5 миллион гектардан ортиқ майдонда янги Оролқум саҳроси тобора бутун Оролбўйи минтақасига ёйилмоқда. Бу ердан ҳар йили атмосферага қарийб 100 миллион тонна чанг ва захарли тузлар кўтарилиб, қум бўронлари ва кучли шамоллар билан мазкур худуддан анча оғир бўлган минтақаларга ҳам тарқалмоқда.

Аммо Оролбўйида рўй бераётган фожа кўламини, бу ерда яшаётган миллионлаб одамларнинг дарди ва орзу-армонларини қуруқ рақамлар билан ифода этиб бўлмайди. Ўзбекистон, Қозғоғистон ва Туркманистоннинг Орол фожиясининг кучли таъсири остида қолган минтақалари аҳолиси ҳар кун сув ресурслари етишмаслиги, ичимлик суви сифатининг пасайиши ва тупроқ тарихининг бузилиши, иқлим ўзгариши, аҳоли, биринчи навбатда, болаларнинг турли касалликларга чалиниши кўпайиб бораётгани билан боғлиқ иқтисодий-иқтисодий ва демографик муаммоларни бошдан кечирмоқда.

Орол денгизининг қуриши бутун Марказий Осиёда кескин иқлим ўзгаришига олиб келди, сув ресурслари тақчиллиги, маъмулий қуроқчиликнинг кучайиши, қаҳратон қишнинг узқуваси, давом этиши, ва Тянь-Шань тоғлари музликларини эришининг тезлашиши ва минтақа мамлакатларида қишлоқ ҳўжалиги ишлари билан шўгулланиш шароитларининг ёмонлашишига сабаб бўлди.

Минг афсусчи, бугунги кунда Орол денгизини тўлиқ қайта тиклаш имкони йўқлиги тобора аён бўлиб бормоқда.

Орол инқузозининг атроф-муҳит ва бу ерда яшаётган миллионлаб аҳоли ҳаётига ҳалокатли таъсирини, хусусан, пухта ўйланган, аниқ манзилли ва тегишли молиялаштириш манбалари билан таъминланган лойиҳаларни амалга ошириш орқали қайта тиклаш бўлгани куннинг энг муҳим вазифасидир.

Бизнингча, бу борада асосий заҳиралар мавжуд бўлган қўйидаги йўналишларда тегишли тадбирларни амалга ошириш зарур:

Биринчидан — бугунги кунда Оролбўйида юзага келган омонат экологик мувозанатни мустаҳкамлаш, чўллаланишга қарши курашиш, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, улардан тежаб-тертаб, оқилона фойдаланиш;

Иккинчидан — Оролбўйи аҳолисининг генотипини ва саломатлигини сақлаш ва таъминлаш учун шароит яратиш, иқтисодий инфратузилмани, тиббиёт ва таълим муассасаларини тармоғини кенг ривожлантириш;

Учинчидан — аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун зарур иқтисодий ва иқтисодий механизмлар ва рағбатлантирувчи омилларни яратиш, асосий инфратузилма ва коммуникацияларни ривожлантириш. Бу ерда яшаётган аҳолида тушқунлик кайфиятининг юзага келишига йўл қўйишга бизнинг ҳақимиз йўқ ва уларга муносиб ҳаёт кечирishi, ўз бизнесини ривожлантириши, уларни янги иш ўринлари ва даромад манбалари билан таъминлаш учун барча имкониятларни яратиш бериш зарур, деса-м, ўйлайманки, бу фикрга барчангиз қўшилиасиз;

Тўртинчидан — ҳайвонот ва ўсимлик олами биохилма-хиллигини, жумладан, кичик сув ҳавзалари яратиш орқали сақлаш ва қайта тиклаш, минтақанинг ноёб флора ва фаунасини асраб-авайлаш динроқ.

Айни ушбу муҳим масалалар Ўзбекистон томонидан БМТнинг юксак миқдордаги тақдир этилган ва БМТ Бош Ассамблеяси 68-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилган «Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйида экотизимлар ҳалокатининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури»да қайд этилган.

Бу жаҳон ҳамжамияти Орол денгизи фожиясига глобал экологик офат сифатида қараётгани ва миллионлаб одамлар яшаётган ушбу минтақанинг экологик ва иқтисодий хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиш масаласига эътибор қилиш зарурлиги ҳақида қарор қабул қилинган.

БМТ ва ривожланиш бўйича бошқа ҳамкорларимиз 1993 йил БМТ ва Марказий Осиёнинг беш давлати томо-

нидан ташкил этилган Оролни қўтқариш халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаётгани ҳам буни тасдиқлайди. Ўтган даврда мазкур жамғарма халқаро донорлар ҳамжамияти ёрдамида Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича умумий қўйимати 2 миллиард доллардан зиёд бўлган иқтисодий дастурни амалга оширди.

Шу муносабат билан минтақа давлатлари ва Оролбўйи аҳолиси олдида турган кескин муаммоларни ҳал этишда ёрдам кўрсатаётган институтлар ва ҳамкор мамлакатларга миннатдорлик билдиришга руҳсат бергайсиз. Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, БМТ агентликлари, Ислон тараққиёт банки, ЮСАИД, Европа иттифоқи, шунингдек, Япония, Корея Республикаси, Хитой, Германия, Франция, Швейцария, Кувайт ва бошқалар бизнинг ана шундай фаол ҳамкорларимиз ҳисобланади.

Оролни қўтқариш халқаро жамғармаси 2013 йилдан буён БМТ, Европа иттифоқи, етакчи халқаро ташкилотлар ва молия институтлари кўмағида Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича уч юздан зиёд лойиҳадан иборат учинчи дастурни амалга оширмоқда. Бу лойиҳаларни ҳаётга таъбиқ этиш учун 8,5 миллиард доллардан зиёд маблағни жалб қилиш зарур.

Айни пайтда биз шуни очиқ тан олишимиз кераки, бу борада амалга оширилаётган лойиҳа ва дастурларга қарамадан, ҳали яна кўплаб ишларни бажариш талаб этилади. Минтақа мамлакатлари Орол денгизи ҳалокатининг атроф-муҳит ва бу ерда яшаётган аҳоли ҳаёти ва фаолиятига етказиб қўйган экологик, иқтисодий-иқтисодий ва гуманитар оқибатларини бартараф этиш учун етарлича маблағ ва моддий-техник имкониятларга эга эмас. Шу боис Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа халқаро ташкилотлар ва ривожланиш бўйича ҳамкор давлатларнинг самарали амалий ёрдамисиз дунё миқёсидаги ушбу муаммони ҳал этиб бўлмайди.

Орол денгизи фожиясининг кенг кўлам касб этган оғир оқибатлари Оролбўйи аҳолиси, ушбу худуднинг иқтисодиёти, иқтисодий соҳа ва атроф-муҳитига таҳдид солаётган кўплаб хавф-хатарларни самарали бартараф этишга қаратилган янги, кенг қамровли ёрдам дастурини ишлаб чиқишни талаб этади.

Оролбўйи минтақасида ёрдам кўрсатиш бўйича бундай комплекс дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, аввало, халқаро ташкилотлар — БМТ, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки каби молия институтлари ва нуфузли халқаро экология ташкилотлари ҳал қилувчи ўрин тутиши керак. Бу мазкур дастурни ҳаётга таъбиқ этишга нафақат халқаро ташкилотлар ва молия институтлари ресурслари, балки бизга дўст ва ҳамкор мамлакатлар имкониятларини ҳам жалб этишга кўмак беради. Оролни қўтқариш халқаро жамғармасига аъзо бўлган деярли барча мамлакатлар Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари каби суви тежас, Оролбўйини қайта тиклаш ва ривожлантириш бўйича миллий дастурларни амалга оширмоқда. Сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш принциплари, суви тежайдиган замонавий технологиялар кенг жорий қилинмоқда, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификация қилишга доир ва бошқа кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Оролбўйида аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, турар-жой, иқтисодий ва транспорт-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ-ҳўйларда замонавий уй-жойлар, умумтаълим мактаблари ва касб-хўнаро коллежлари, врачлик пунктлари барпо этиш, автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид дастурлар амалга оширилмоқда.

Ишончим комилки, Оролбўйи ва унинг аҳолиси тақдирини ташвишга тушаётган давлатлар, БМТ тузилмалари, халқаро молия ва экология ташкилотларини аниқ мақсадли, кўп қиррали ва тизимли ўзаро ҳамкорлиги Оролбўйи минтақасининг энг кескин муаммоларини ҳал этишга қаратилган амалий дастур ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга таъбиқ этиш имконини беради.

Хурматли халқаро конференция иштирокчилари! Орол денгизи қуришининг ҳалокатли оқибатларини чуқур тушуниб, Оролбўйи экотизимини қўтқариш ишига қўшаётган салмоқли ҳиссангиз учун сизларнинг барчангизга самимий миннатдорлик ихроҳ этишга икозат бергайсиз.

Конференция иши самарали бўлишини, унинг барча иштирокчиларига эса сизах-саломатлик, олижаноб фаолиятида улкан муваффақиятлар тилайман.

Чуқур ҳурмат билан,

Ислон КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти, Оролни
қўтқариш халқаро жамғармаси раиси.

Сайловга тайёргарлик қизгин

Андижонда жорий йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик қўриш, ушбу муҳим жараёнда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли масаласига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Унда сайлов участкалари, участка сайлов комиссиялари фаолиятини амалдаги қўнулар асосида ташкил этиш, фуқароларнинг сайловлар борадаги билимини, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, сайловларнинг очиқлиги, ошқоралик ва адолат таъминини асосида ўн иккинчи таъминлаш хусусида сўз юритилди.

— Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз сайлов қўнучилиги янада такомиллаштирилди, — дейди вилоят сайлов комиссияси раиси А.Султонов. — Хусусан, сайлов ҳуқуқи эркинлиги, сайловларнинг очиқлиги ва шаффофлиги принциплари тўла амалга оширилиши таъминлаш, депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловда ташвиқотини ўтказиш борада тенг шароитлар яратиш, умуман, сайлов жараёни билан боғлиқ ишлар самардорлигини оширишга қаратилган қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Бу мамлакатимиз сайлов тизимини сифат жиҳатдан янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Тадбирда участка сайлов комиссияларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги, сиёсий партиялар матбуот хизматлари ишини жонлантириш, сайловда тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш, мазкур жараёнда оммавий ахборот воситаларининг иштироки ва вазифалари муҳим экани алоҳида таъкидланди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎЗА мухбири.

Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада ▼

Конференцияда Орол денгизи қуришининг асосий сабабларидан бири собиқ иттифоқ даврида табиий ресурслардан ҳўжасизларча, ўйламасдан фойдаланиш оқибати экани қайд этилди.

Орол денгизининг Ғарбдан Шарққа эсадиган кучли ҳаво оқими йўлида жойлашгани ва бу эрозолларнинг юқори атмосфера қатламларига кўтарилишига сабаб бўлаётгани атроф-муҳит ифлосланиши оқибатларини янада кучайтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов юксак минбарларда минтақа доирасида аллақачон чиқиб улгурган Орол фожияси оқибатларини бартараф этиш бўйича самарали чоралар қўриш муҳимлигини бир неча бор таъкидлаган эди. Хусусан, Ўзбекистон мустақилликка эришган, Оролни қўтқариш халқаро жамғармасини ташкил этиш ташаббускорларидан бири бўлди. Давлатимиз раҳбари ушбу масалани илк бор 1993 йил 28 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида кўтариб чиққан ва жаҳон ҳамжамияти эътиборини Орол денгизи муаммосига қаратган эди. Бундан ташқари, Президентимиз 2000 йил 8 сентябрь куни БМТнинг Мингйиллик саммитида БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури шафелигида Орол денгизи ва Оролбўйи муаммолари бўйича кенгаши ташкил қилиш ташаббусини илгари сурди.

Оролбўйи минтақасидаги экологик аҳолини яхшилаш, экологик бўҳрон оқибатларини юмшатишда мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳим ўрин тутаетир. Табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиати муҳофазга қилиш самардорлигини оширишга қаратилган қўнулар қабул қилинди. Ўзбекистон ушбу соҳадаги асосий халқаро ҳўжжатлар, чўнончи, Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўллари ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланишга оид конвенцияга қўшилди. Сув ресурслари тақчиллиги ва чўлланиш муаммоларини ҳал этиш, сувдан

тежамкорлик билан фойдаланиш, ерларнинг шўрланиши ва емирилишига қарши курашиш, аҳолининг ичимлик сувидан фойдаланишини яхшилаш, минтақада тобора кучайиб бораётган экологик ва иқлим ўзгаришининг салбий таъсири билан боғлиқ касалликларни даволаш учун зарур инфратузилмани шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли лойиҳалар ҳаётга таъбиқ этилмоқда.

Мисол учун, «Амударё дельтасида кичик кўллар барпо этиш» лойиҳаси дастлабки босқичининг амалга оширилиши бешта сув чиқариш иншооти, қирғоқчи ҳимоя қиладиган 45 километрлик дамбалар қуриш, умумий майдони 70 минг гектар ва 810 миллион куб метр сизимга эга бошқариладиган муҳандислик сув ҳавзалари бунёд этиш имконини берди. Сўнгги 15 йилда Амударё дельтасидаги 180 минг гектар майдонда сув чиқарилиши ва кичик кўллар барпо этилди. Истиқболда ушбу кўллар умумий сув юзаси майдонини 230 минг гектаргача кенгайтириш мўлжалланган.

Орол инқузозини таъсир қўрсатган худудларда 740 минг гектар, денгизнинг қуриган тубида 310 минг гектар майдонда ўрмонзорлар барпо этилди. 1997-2012 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида

ПАХТА-2014

Соатмурод ҚУЛМИРЗАЕВ

Президентимизнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнатқашларига йўлаган тарбияни эшитган фермерлар дилидан ана шундай фикрлар ўтди, десак хато қилмаган бўла-миз. Ундаги тилақлардан кунни кун, туни тун демасдан, ҳар туг кўчатта меҳрини бериб, об-ҳаво инжиқликларига қарамадан тинимсиз меҳнатлари самарасини кутган ва бугун ўз ғалабаларидан қувонаётган миришкорларимизнинг бошлари кўкка етиб, чарчоғини унуттигани ҳам рост.

Сўзимиз аввалида Сурхондарё вилоятининг Қизирқ туманидаги «Суон бобо» фермер ҳўжалиги раҳбари Абдумот отанин фикрларини бежиз қозғаша туширмадик. Айни пайтда ана шундай инсонлар кечаги кун билан бугунги воқеликнинг қадрига кўпроқ етмоқдалар.

Мустақиллик йилларида пахта яккахокимлиги ва қишлоқ ҳўжалигини бирёқлама ривожлантириш масаласига чек қўйилиб, хом ашё етиштириш ҳажми 3,4 миллион тоннагача қайта қилинган. Пахтадан бў-шаган майдонларга озин-оват

Сай-ҳаракатларни мувофиқлаштириш йўлида



замонавий амбулатория-поликлиника муассасалари фойдаланишга топширилди, 5,8 минг ўринга мўлжалланган тиббиёт муассасалари қурилди ва реконструкция қилинди, 840 қишлоқ врачлик пункти фаолият юритмоқда. Қўрилган чоралар самарасида Қорақалпоғистон Республикасида нўқсон билан туғилганлар сони 1997 йилга нисбатан 3,1 баробар, оналар ўлими 2, чақалоқлар ўлими эса 2,4 марта қисқарди.

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан 2008 йили Тошкентда БМТ кўмағида ўтказилган «Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генотипини, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгилаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» мавзусидаги халқаро конференция Оролбўйидаги экологик аҳолини яхшилашда муҳим роль ўйнади. Мазкур конференцияда ишлаб чиқилган Ҳаракат режаси 2011-2015 йилларда Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича учинчи дастурнинг асосини ташкил қилди.

— Жаҳон банки ушбу дастурни амалга оширишда иштирок этмоқда, — деди Жаҳон банкининг Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Сароҳ Кумар Жа. — Дастур Орол денгизи ҳавзасида экология ва сув ҳўжалиги билан боғлиқ аҳолини яхшилаш, барқарор ривожланишга

эришишга қаратилган. Жаҳон банки томонидан миллий ва минтақавий лойиҳаларни ҳаётга таъбиқ этишга йўналтирилган инвестициялар умумий миқдори бугун 1 миллиард АҚШ долларидан ошди. Мазкур халқаро конференция ҳамкорлигининг янги йўналишларини белгилаш ва минтақадаги мавжуд экологик муаммоларни ҳал этишда барча манфаатдор томонлар сай-ҳаракатларни мувофиқлаштириш имконини беради.

Анжуманининг секция мажлисларида экологик оғир худудларда яшаётган аҳолининг генотипини сақлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чоралар қўриш, Оролбўйи аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун зарур иқтисодий рағбат ва механизмларни жалб этиш, минтақада экотизим ва биохилма-хилликни қайта тиклаш масалалари муҳокама этилди.

Иштирокчилар Урганч шаҳрида ушбу конференция юксак савияда ташкил этилганини юқори баҳолади ва тадбир Орол денгизи қуришининг оқибатларига қарши курашишда халқаро ҳамкорлиги фаоллаштиришга хизмат қилишга ишонч билдирди.

Халқаро конференциянинг якуний ҳужжати қабул қилинди.
Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА махсус мухбири.

Орзуларимиздек юксак хирмон

«Собиқ иттифоқ даврида бир чаноқ пахта инсон умридан азиз, чигитни экиб, уни то йиғиб-териб олгунча парвона бўлган деҳқоннинг қадридан баланд эди. Қишлоқ аҳолисига, бугун молларингизни далага олиб чиқманг, пахтага дори сепилади дейларди-ю, шириндан-шакар фарзандларимизни мактабдан қолдириб, ғўзалар орасидаги тирик нишонга айлантиришарди»

Экинлари урғи қалапа бошпагани мана шундай натижаларга асос бўлмоқда.

Жорий йилда етиштирилган ҳосилнинг 90 фоизи юқори навларга қабул қилингани замирида эса, энг аввало, фермерлар учун қўлай шароитлар яратилгани, селекционер олимларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлангани каби муҳим омиллар мужассам. Маълумки, истиқбол йилларида ғўзанинг 107 та янги нави яратилди, уларнинг 27 таси Ўзбекистон Давлат реестрига киритилиб, юртимизнинг турли хундулларида экишга тавсия этилди.

Шу ўринда яқинда пойтахтимизда ўтган Х халқаро пахта ва тўқимачилик ярмаркаси **Ўзбек пахтасига дунё ҳамжамиятининг муносабатини яқол намойиш этганини ҳам таъкидлаш лозим.**

Тахлилчи ва экспертларнинг фикрича, ушбу жараёнларда энг аҳамиятли лойиҳалардан бири си-фатида Вазирилар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «2007-2011 йилларда пахта тазалаш саноти корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида»ги қарори ниҳоятда муҳим ҳўж-жат саналаяти. Ушбу Дастурга муво-фиқ пахта тазалаш санотини изчил ва барқарор ривожлантириш, жаҳон пахта бозорига рақобатбардош маҳ-сулотлар ишлаб чиқаришни кўпай-тириш мақсадида республиканинг

барча худудларида 41 та пахта тазалаш заводини модернизация ва реконструкция қилиш муваффақиятли амалга оширилди. Натижада ишлаб чиқариш қуввати 56,5 фоиздан 78,8 фоизга ошди.

1990 йилда пахта толасини маҳаллий қайта ишлаш кўлами **7 фоизни ташкил этган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткич 44 фоизга етди. 2020 йилга бориб 70 фоиз-дан ошishi кутилмоқда.**

Истиқбол йилларида қишлоқ ҳўжалигида иш юритишининг энг самарали тизими бўлган **фермерлик ҳаракатига ўтиш ва уни мунтазам ривожлантириш юзасидан амалга оширилган тизимли ишлар бугунги ютуқларимизнинг асосий заминини бўлмоқда.**

Шу ўринда Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фар-мони ушбу жараённинг мантаний да-воми бўлганини қайд этиш лозим.

Мазкур фармон асосида ташкил этилган Фермерлар кенгашилари эса ташаббускор қишлоқ мулкдорлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи асосий кууга айланди.

Кенгашлар томонидан Юртбоши-миз тавсиялари асосида кўп тармоқли фермер ҳўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантириш масаласига алоҳи-

да эътибор қаратилаётгани туфайли шундай субектив рақобат сони 36 мингта-дан ортиб кетди.

Бундай долзарб масалаларда О'зЛиДеРнинг Фермерлар кенгашилари билан яқин ҳамкорлиги ёш фермер-ларнинг сиёсий, ҳўқуқий ва иқтисодий билимларини ошириш орқали қишлоқ мулкдорларининг янги авлодини шак-клантиришга хизмат қилаётир.

Бу борада қишлоқ ҳўжалигида ихтисослаштирилган 156 та коллеж-ларда тақрибали ва ҳар томонлама намуна бўладиган фермерлар ишти-роқида амалий ўқувлар ташкил эти-лишидан ташқари, талабалар этил-давомида бевосита далада амалий билимларини ҳам оширишмоқда. **Шу маънода ҳам янги авлод фермер-лари етишиб чиқмоқда, деб айта оламиз.**

Жорий йилда О'зЛиДеР томони-дан амалга оширилган «Хорманг, пахтакорлар!» акцияси доирасида 3500 дан ортиқ турли тадбир (пах-такор ва меҳнатқашлар ишчун учра-шувар, уларга бугунги илоҳотлар натижалари тўғрисида тушунти-риш-тарғибот ишлари) ташкил этил-ди. Мазкур акцияга барча бўғиндаги ташкилотлар, яъни партия фаолла-ри, БПТлардан тортиб то фракция аъзоларигача барча жалб этилди. Етакчи теримчилар, отряд раҳбарла-ри, МФЙ ва ҚФЙ раислари, энг илғор фермерлар партиянинг ташақкурно-малари билан тақдирландилар.

ЖАРАЁН

Эрта куз. Исикнинг дами анча қайтган. Йўл бўйидаги адл теракларнинг сарғишранг япроқлари майин шивирлаб, енгил шабадада «рақс»га тушади. Ёз бўйи бутун борлиқни тандир каби қиздирган бобоқўёш ҳам аллатовур сокин тортиб қолгандек. Тобора куюқлашаётган булутлар орасидан гоҳ кўришиб, гоҳ юзига қора «парда» тортади. Бу — ёмғирдан ишорат эди. Истам фермер уват бошида туриб, осмонга тикиларкан, кўнглини турли ўйлар чулғади: «Оббо, пахтанинг асосий қисми ҳали далада, чаноқларда. Кўра-била туриб, уни увол қилиш гуноҳ. Ёмғирда ивиган толаннинг сифати паст, даромади камроқ бўлади. Шошилиш керак!»

Тонг саҳарда турмуш ўртоғи бир коса ширчойни кўярда-қўймай ичириб юборган эди. Мана, вақт тушдан ҳам ошдики, туз тотигани йўқ. У зовурни ёқалаганча терим пайкали томон бораркан, анча очикани ва толиққанини ҳис этди. Аммо ҳозир бундан ҳам муҳимроқ ишлар кутмоқда. Қоринни алдаса бўлади, бироқ... Дала бошига етиб келиб, аъзоларни қизгин терим устида кўрдию, кайфияти кўтарилди, руҳи енгил тортиди. Дарахт соясидидаги прицеп тўлай, деб қолган. Тарозибон йигитнинг қўли-қўлига тегмайди.

— Хорманлар-о-о!
— Э, саломат бўлинг.
— Мана, биз ҳам ҳашарга келдик.

— Жуда яхши-да. Қани, марҳамат...
Истам фермер асли деҳқон фарзанди эмасми, дала меҳрини ёшлигиданоқ қалбига жо этиб улгайган. Бу баландарвоз гап эмас. Ҳар кунни остана ҳатлаб кўчага отланаркан, муқаддас тупроқни таҳоратсиз босмайди, гарчанд раҳбар бўлса-да, жамоадан ўзини устун санамайди. Балки эришилётган ютуқ ва муваффақиятларнинг ботиний ҳикмати ҳам шундадир... Фақат авжи терим палласида об-ҳавонинг айниб тургани чатоқда. Табиат яна бир ҳафта-ун кун туриб берганда ҳосилни тўлиқ саранжомлаб олган бўлишарди. Уни етиштириш учун озмунча захмату машаққат чекилгани йўқ, ахир!

Жондор туманидаги «Мурод Рустам» фермер хўжалиги Кулончи қишлоғидан Махонқўл кенгликларида чўзилган. Ўртадаги масофа қирқ чақиримдан кам эмас. Ҳар кун шунча йўл босиб, чўл шароитида деҳқончилик қилишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун касбга, бурча садоқатдан ташқари темир ирода керак. Истам фермер ўшанда қийинчиликлардан чўчилади: елди-югурди, маҳаллий ҳокимлик, банклар ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг амали ёрдами билан кейинги ўн йил орасида хўжаликни тўла оёққа қўйишга эришди. «Мурод Рустам» эндиликда пахта, ғалла, чорва маҳсулотлари етиштириш бўйича туманда «кулорни қўлдан бермай келаётир.

... Яхшиши, бу ҳақдаги ҳикоя-

мизни сал кейинроққа қолдириб, яна хирмон бошига қайтайлик. Терим авжида. Серқадок бармоқлар чаноқлардаги момиқ толалар узра тинимсиз югуради. Яхшининг ёри — Худо, дейдилар. Қарангки, бободехқон қалбидидаги шубҳа-ғумонларни сезгандек, қўл ўтмай булутлар тарқаб, куёш яна чарақлаб нур соча бошлади. «Хайрият», деб қўйди Истам фермер ўзича. У

дада. Ҳаммаям бундай шарафга муяссар булавермайди.

— Тушунтириброқ гапирсанг-чи!

Ўғил кўрпачага чўккалаб, юзига фотиҳа тортади, қўлидаги газетани хонтахта устига ёзди. Сўнг биринчи саҳифада чоп этилган расмий материалга ишора қилиб, «Мана, ўқинг!» деди.

Бу — Ўзбекистон Республикаси

МАХОНҚЎЛ

эгат бошига тўкилган пахталарни битта-битта териб, чанг-ғуборини қоқётган эди, ёнига иш бошқарувчи келди.

— Қўлни ташланг, раис.
— Хўш-хўш?
— Шу ҳафтада шартнома режасини бажарадиганга ўхшаб турибмиз.
— Йўғ-э, биринчи теримнинг ўзида-я? Унда зиёфат биздан!

... Замон чархпалаги тўхтовсиз айланаверади. Вақт — олий ҳакам. У жамини нарсани адолат тарозусидан ўтказиб, сарани саракка, пучакни ажратади. Доим шундай бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай. Ҳалол меҳнат ҳеч қачон беқадр бўлган эмас. Аксинча, бахт ҳам, обрў-эйтибор ҳам шунинг орқасидан келади. Ушанда июлнинг ўрталари эди. Бепоев ғаллазорларда ўрим-йғим поёнига етиб қолган. Қудратли комбайнларнинг ҳайкириги унда-бундагина эшитилади, холос. Истам фермер ишдан сал вақтли қайтиб, сўри атрофидаги кўрпачага ёнбошлади. Эрталаб далага отланаётган кенжа неварасининг йисриги баландроқ эди. Кун бўйи шундан кўнгли алағда бўлиб юрди. Ўригидан данагаги ширин-да. Ахир, улар битта-иккита эмас, ўнта. Ҳаммаси жам бўлганда кенг ҳовли торлик қилиб қолади.

— Чарчамай келдингизми, даси? — деди шу пайт пахта гулли чойнақда иссиқ чой олиб кирган турмуш ўртоғи Шаҳзода опа унинг ёнига чўкаркан. — Овқат тайёр. Сузаверайми?

— Овқатингни қўйиб тур, онаси. Неваранг қалай?

— Шукр, иссиғи анча тушди. Ўзим эрга урсанг, кўкка сапчилигани шўх, ўйинқароқ бола-да. Шунча гапирман, қани қулонига олса. Сизни кутиб-кутиб ухлаб қолди.

— Бобосига тортан-да! — гапни ҳазилга бурди фермер.

Аёл эрининг чўл офтобида қорайган афт-ангори, киртайган кўзларига тикиларкан, юраги ич-ичдан ачишди. «Бошқаларга ўхшаб мундай эмин-эркин дам олсалар, саломатликлари ҳақида озорқ қайғурсалар бўлмасмикин», деб ўйлади ўзича. Йўқ, «хўжайин»нинг танглайни меҳнат билан кўтарган. Гўё дунёда бошқа муҳим нарса йўқдек. Қачон қарасанг, иш, иш... Худди шу пайт фермер хўжалигида механизаторлик қиладиган тўнғич ўғли — Илҳом шошганча кириб келди. Бир қўлида каттагон амири қовун, иккинчи қўлида газета.

— Хушхабарни эшитдингларми? — деди у пойгада туриб этини ечаркан, ҳаяжонини яширолмай. — Бир эрийдиган бўлдингиз,

КЕНГЛИКЛАРИДА

(Очерк)



Президентининг 2014 йилги ғалла тайёрлаш шартнома режаси муваффақиятли бажарилганлиги муносабати билан мамлакат «олтин бошоқ» ижодкорларига йўллаган табриги эди. Истам Муродов газетани синчиқлаб ўқиркан, вужудини ички бир ҳаяжон чулғади. Чунки табрикда республикадаги юқори ҳосилли, пешқадам фермер хўжаликлари қаторида унинг ҳам жамоаси алоҳида ҳурмат билан тилга олиб ўтилган эди. Ушбу янгилик бир зумдаёқ туман бўйлаб тарқалди. Қўнғироқлар, табриклар...

Фақатгина бири киши — Истам фермернинг ўзи ҳаяжонли туйғуллар оғушида эди. Ёстиққа суянаганича чой хўпларкан, кейинги йиллардаги меҳнат фаолиятини ўзича сарҳисоб қилгандек бўлди. Деҳқончиликнинг юки, машаққати оғир. Буни бошидан ўтказган кишигина билади. Айниқса, Махонқўлнинг шўрхок заминидида ҳосил етиштириш — тошда гул ундириб билан баробар. Ҳаллазорларни қамиш, ёввойи ўт босиб, барча уринишлар саробга айланган вақтлар ҳам бўлган. Ушундай чоғларми, да кўздан еш оқмасда-да, юраклар юм-юм йилгайди... Сув масаласи ҳам энди-энди изга тушмоқда.

Шукри, ёмон кунда суянадиган сафдошлари, муносиб издошлари бор. Мана, улардан баъзилари: Мурод Назаров, Илҳом ва Исроил Муродов, Марғуба Розикова, Латофат Жўраева... Фермернинг кенжа ўғли Ислом Қаршидаги нефть-газ ташкилотларидан бирида хизмат қилади. От изини той босар, деанларидек, дам олиш кунлари уни ҳам хўжалик пайкалларида учратасиз. Дадаси ва акалари изидан бориб, деҳқончиликнинг сирини синоатини кунт билан ўрганмоқда.

Дарвоқе, булар ҳали ҳаммаси эмас...

шинасига ўтирдию, тезгина жўнади. Ҳамма ҳайрон. Нима гап ўзи?... «Гап» бошқа ёқда эди. Истам фермернинг ёмон кўргани — топширилган вазифага нисбатан лоқайдлик, совуққонлик. Ҳамма нарсани кеңириши мумкин, аммо бунга кечиролмайди. Ахир, фермани ҳозирги мақомга етказиш, яъни йўқдан бор қилиш учун неча марта қўл билармикин? Бу ёлғиз ўзию, Яратганга аён, холос. Қачондир унинг ўзи ҳам «шоғирд» эди. Мана, энди кўпгина ёшлар ғаллачилик, пахтачилик, чорвачилик соҳасида

ва қулай имкониятлардан фойдаланиб, ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эришмоқдалар. Уларда жорий йилги ғалла ҳосилдорлиги гектар бошига 65-70 центнерни ташкил этди. Манфаатдорлик ва самарадорлик ҳам шунга яраша.

Ўрни келганда миришкор деҳқон, O'zLiDeP аъзоси Истам Муродов раҳбарлик қиладиган кўп тармоқли «Мурод Рустам» фермер хўжалиги ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш жоиз, деб ўйлаймиз. Негаки, хўжалик иқтисодий жиҳатдан аллақачон ўзини тутти олиб, тараққиёт сари шахдам одимлар ташламоқда. Амалдаги йилда 10 гектар майдонга «Бухоро-6» навли чигит экилган эди. Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳозиргача 40 тоннага яқин «оқ олтин» тайёрланиб, белгиланган шартнома режаси ошиғи билан бажарилган. Бу — даш шароитида салмоқли кўрсаткич, албатта. Далаларда ҳали ҳосил чўғи мўл. Шу боис йғим-терим уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда. Мўлжал — ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш.

Мавжуд 45,5 гектар майдондаги ғалланинг ҳар гектаридан керак бўлса, марҳамат, банклар ёрдамига тайёр. Ўзим ҳам барини «ноль»дан бошлаб, қисқа муддат орасида мулкдор ва заминдорга айландим. Шунинг орқасидан рўзгор бут, кўнгли хотиржам. Хўжалик тасарруфидаги «МТЗ-80», «Кейс-1200», «МХ-120» русумли техника воситалари, экиш агрегатлари, замонавий ҳайдов тракторлари ҳар қандай мушкулликни осон қилмоқда. Улар қаторига «Нексия», «Дамас» русумли автомашиналарни ҳам қўшиш... Барчасига ҳалол меҳнат орқали эришяпмиз. Интиланга эса омад ҳаммаша ёр. Хусусан, ҳурматли Юртбошимизнинг республика ғаллазорларига йўллаган табригида хўжалигимиз номи илғорлар қаторида тилга олингани кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўйди. Шу маънода бу воқеа бир умр хотирамда муҳрланиб қолиши аниқ. Зеро, ҳар бир инсон жамиятдаги муносиб ўрни, қадр-қиммати билан улугдир.

... Ушбу очеркнинг хомаки нусхаси қозоғга тушаётганда Бухоро вилоятидаги муҳбиримиз қўнғироқ қилиб қолди: «Алло, тахриратим!» Жондор тумани бўйича баъзи бир маълумотларни сўраганимизлар. Марҳамат, ёзиб олишларингиз мумкин. Жами 21068 гектар майдонда ғалла ва пахта етиштирилади. Жорий йилги дон ҳосили 15700 тонналик тош босди. Бу — шартнома режасида белгиланганидан анча зиёддир. Жондорликлар амалдаги йилда пахта хирмонини 42 минг тоннага етказишни дилга тугишган. Шу боис белни маҳкам боғлаб, астойдил ҳаракат қилишмоқда.

Айни кунда туманда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари 520 тани ташкил этади. Улар асосан пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Айниқса, Ғани Ҳамроев, Тўлис Шодиев, Ғани Ҳамроев, Фарҳод Адизов етакчилигидаги «Испом-1», «ЮТТ» (юртимизда тинчлик, шодлик каби сўзларнинг қисқартма номи), «Бахтиёр Яраш», «Саллим Фарҳод» фермер хўжаликлари яратилган шарт-шароит

... Англаган бўлсангиз керак. Бу ўша — сизу бизга яхши таниш кенг фельд, мустақам иродали, иймону диёнатда собит жондорлик фермер Истам Муродов эди!

Носир ТОШЕВ, «XXI asr».

«Олтин фермер»лар тақдирланди



О'zLiDeP Навоий вилоят кенгаши раиси Яшин Душановнинг таъкидлашича, жорий йилда вилоят пахтакорлари томонидан бунёд этилган 108 минг тонналик улкан «оқ олтин» хирмонида либерал-демократлар бошқарётган фермер хўжаликларининг алоҳида ҳиссаси бор.

— 2006 йилда ташкил этилган «Исмаи Мурод Жаҳонгир» фермер хўжалигида белгиланган режа бажарилмай қолганини эслаш олмаман. — дейди Қизилтепа туманидаги Бўстон ҚФЙ раиси Рустам Латипов. — Охири беш йилликда эса хўжалик муттасил равишда вилоятдаги 150 дан зиёд «Олтин фермер»ларнинг олдинги қаторларида бораётти. Жорий йилда ҳам мазкур фермер хўжалиги 25 гектар майдонда 103,2 тонна қимматбаҳо саноат хом ашёси етиштирди.

«Азим Али келажиги» фермер хўжалигини ташкил этган эди. Ҳисоб-китобдаги қатъий тартиб тўғрисидаги жамоанинг иқтисодий кўрсаткичлари йилдан-йилга юксалди. Барча агротехник тадбирларнинг сифатли бажарилиши, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга бўлган эътибор тўғрисида ҳосилдорлик ошди. Мана, уч йилдирики, хўжаликда ҳосилдорлик 40-42 центнердан кам бўлмапти.

Эътироби жиҳати шундаки, энг масъулиятли палла — пахта йғим-терими мавсумида партия вилоят кенгаши ҳам катта хирмон бунёд этётган фермерларимизга маънавий елкадош бўлаётти. Кенгаш ҳузуридаги тарғибот гуруҳи томонидан илгор теримчилар ва юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликлари О'zLiDePнинг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совгалари билан тақдирланаётти, бу уларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда.

Мансур АСЛОНОВ.

Ҳали далаларда ҳосил мўл



О'zLiDeP Сийёс Кенгаши Ижроия қўмитасининг пахта йғим-теримида юқори натижаларга эришган фермер хўжаликлари, мавсумда фаол иштирок этётган ҳашарчиларни рағбатлантириш, аҳоли орасида партия голялари тарғиботини янада кучайтириш тўғрисидаги фармойиши ижросини таъминлаш юзасидан Наманган вилоятида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

— Ҳашарчилар бизга натта мадад беришмоқда, — дейди Наманган туманидаги «Қирғизбоев Мамадали» фермер хўжалиги раиси Аҳмадали Турсунов. — Бу йил ғалладан 132 тонна ҳосил олиб, шартнома режасини 120 фоизга бажардик. Хўжалик аъзоларида бир тоннадан бугдой тарқатдик. Пахтамиз ҳам мўл бўлди. Йғим-теримни уюшқоқлик билан ташкил этиш натижасида давлатга

160 тонна саноат хом ашёси сотиб, ғалаба маррасига етдик. Шу муносабати билан фермер хўжалиги раиси Аҳмадали Турсунов, илгор теримчилардан Ҳалимадон Ҳалиматова, Замира Турсунова, Азиза Қосимова, Насиба Охуновага Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёс Кенгаши Ижроия қўмитаси номидан ташаккурнома билдирилди, эсдалик совгалари топширилди.

— Бугунги мулоқот жуда самимий ва таъсирчан бўлди, — дейди халқ депутатлари туман кенгаши депутати Анисахон Шарипова. — Ана шундай учрашувлар нафақат теримчиларни рағбатлантириш, балки партиянинг ҳосилдорлигини тарғиб қилиш учун ҳам яхши имкониятидир. Фермер хўжалиги раисининг таъкидлашича, ҳали далаларда ҳосил мўл. Улар ўз имкониятларини чамалаб кўриб, давлатга қўшимча 20 тонна саноат хом ашёсини топширишга аҳд қилдилар.

Ўз муҳбиримиз.



БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» 2014-yil 30-oktabr, payshanba, 43 (571)-son, www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

Сайловчи ҳамда партия ўртасидаги ишончли кўприк

О'zLiDeP Сергели туман кенгаши раиси Аваз Исмоиловнинг таъкидлашича, ўтган йиллар мобайнида мазкур ҳудуддаги БПТлар ҳамкорлигида 400 дан ортиқ турли ғоявий-сиёсий тadbирлар ташкил этилган

«Ёшлар ва қонунчилик»

О'zLiDeP Навоий вилоят кенгаши ташаббуси билан Навоий давлат педагогика институтида ушбу мавзуда семинар ўтказилди

Беҳзод ИСРОИЛОВ,
«XXI asr»

Уларда қарийб 14 минг киши қатнашди. Мулоқотларда электротар вакиллари тушган 100 га яқин мурожаат тегишли тартибда ўрганилиб, аксариятининг ижобий ҳал қилинишига эришилди. Шунингдек, ҳисобот даврида ёшларни тadbиркорликка жалб этиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган 620 та давра суҳбати, семинар-тренинг ва кўрик-танлов ўтказилди. Жумладан, «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида 12 минг йигит-қиз қатнашиб, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий-иқтисодий соҳадаги билим ва кўникмаларини мустаҳкамлади. Чунончи, «Ишбилармон талаба»да қатнашган 263 ёшнинг бугунги кунда тadbиркорлик ва касаначилик билан шуғулланаётгани эътиборга молик. Шу сингари кўплаб аниқ ишлар жамоатчилик ўртасида акс-садо бериб, О'zLiDeP фаолиятига қизиқишни кучайтирмоқда. Тилга олинган вақт оралигида туманда партия аъзолари 1094 кишига кўпайиб, ҳозирда 2415 нафарга етгани ҳам ана шундай хулоса чиқаришга асос бўла олади.

«БПТ — партия юқори таш-

килоти — депутатлик сўрови» механизми ҳам О'zLiDePга ишонч тобора ортишида ўзига хос аҳамият касб этаётир. Мисол учун, жорий йилнинг 9 оyi мобайнида Тошкент шаҳар кенгаши депутатлари томонидан тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарларига юборилган 20 та депутатлик сўровининг 11 таси, 10 нафар мансабдор шахс ҳисоботининг 4 таси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг доимий комиссияларига киритилган 15 та таклифнинг 6 таси бевосита бошланғич ташкилотлар томонидан кўтарилган масалаларга оиддир. Бу эса 2013 йилнинг айна даврига нисбатан қарийб 1,4 баробар зиёд. Келтирилган рақамлар партия ўз электорати манфаатларини нафақат парламент ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органлари воситасида, балки фаоллар ёрдами билан тўғридан-тўғри ҳимоя қилишга қодир эканини кўрсатади.

Лекин юқорида баён этилганлардан партия туман бўлими ва таянч бўғинлар фаолияти мукамал даражада, деган фикр туғилмаслиги керак. Зеро, Сергелида 165 минг киши яшаётгани, деярли мингта тadbиркорлик субъекти фаолият кўрсатаётгани инobatга олинса, электорат ичига чуқурроқ кириб бориш учун ҳали кўп ишлар



Сониқ ЗОИР олпан сурат

амалга оширилиши кераклиги ойдинлашади. Масалан, баъзи куйи бўғинлар аъзоларида ташаббускорлик, журъат етишмаяпти. Улар ҳанузгача юқори партия ташкилотининг топшириқларини бажариш билангина чекланиб қоляптилар. Энди бир масалага диққат қилайлик: шу йили тумандаги 510 та яқна тартибдаги тadbиркорлик субъектидан 117 таси ўз фаолиятини тўхтатди. Бир нечтасини ҳисобга қолмаганда,

қолган куйи бўғинларнинг мазкур ҳолатга муносабати мутлақо сезилмади. Ваҳоланки, фаоллар бу каби масалаларни муфассал ўрганиб чиқишлари, таҳлил этишлари, унинг ечимини излашлари, шу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун муқобил таклифларни илгари суришлари лозим. Бинобарин, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиб, БПТлар салоҳиятини тўла рўйбага чиқариш хусусида жиддий ўйлаб

кўриш фурсати аллақачон етган. Бошланғич ташкилотлар том маънода сайловчи ва партия ўртасидаги кўприқдир. Сайлов кампанияси арафасида куйи ташкилотлар аъзолари орасидан ташаббускор, иқтидорлилар танланиб, уларга кузатувчилик ҳамда ваколатли вакил вазифаси топирилдики, бу улардан фаоллик ва яна бир қарра фаолликни тақозо этади.

БПТ сессияга таклиф киритмоқчи

Булунгур туманидаги «Булунгуравтойўловчи» МЧЖда фаолият юритаётган О'zLiDeP бошланғич ташкилоти аъзолари жорий йил давомида яна 20 нафарга кўпайиб, жами 90 кишига етди. Бу тасодиф бўлмай, балки тизимли равишда олиб борилган партиявий ишлар самараси, албатта. Мисол тариқасида бир жиҳатни олиб кўрайлик: корхонага ишга қабул қилинаётган янги ишчи-хизматчилар ҳам БПТ йиғилишларида иштирок этиб, одамлардан тушаётган мурожаатлар эътиборсиз қолдирилмаётгани, партия фаоллари ибратли ташаббуслар билан чиқишаётганига бевосита ишонч ҳосил қилаётганлар. Шу ўринда қайд этиш кераки, туман ҳудудида бирор қишлоқ, аҳоли пункти йўқки, у ерда транспорт хизмати йўлга қўйилмаган бўлса... Таянч тузилма аъзолари яқинда туман марказида жойлашган деҳқон бозори ва «Юлдаш» кинотеатри олдидаги чорраҳалар, шунингдек, Увайсий кўчасидаги автотранспорт тибрандликлари тўғрисидаги мурожаатни атрофлича ўрганиб чиқдилар. — Йиғилишда билдирилган асосли фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда халқ депутатлари туман кенгашининг навбатдаги сессиясига ана шу масала юзасидан таклиф тайёрлашмиз. — деди биз билан суҳбатда куйи бўғин етакчиси, маҳаллий кенгаш депутати Алижон Аҳмедов. **М.РАВШАНОВА.**

Фаолият қанчалик жонланса...

Партиялар ўзларининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини аҳоли ўртасида қанча кенгайтириб бора, халқимиз ва сайловчиларнинг сиёсий онги ҳамда фаоллиги шунча юксалиб, уларнинг ислохот ва ўзгаришларга ўтказадиган таъсири янада ортади. О'zLiDeP Чилонзор туман кенгаши масъуллари, ташкилот таркибидаги куйи бўғинлар ҳам бу давлатни ўзлари учун дастуриламал, деб билишади. Чунончи, фаоллар яқинда «Юзиробод», «Катта Чилонзор», «Халқлар дўстлиги», «Дўстлик» маҳаллаларида ғоявий-сиёсий тadbирлар ўтказишга киришдилар. Жонли мулоқотларда одамларга партия илгари сураётган ғоялар, амалдаги сайлов қонунчилиги хусусида кенг тушуنча берилаётир. Мазкур ташаббус ахши натижалар бераётганини шундан ҳам билиш мумкинки, тadbирлар иштирокчиларидан 8 нафари партия сафига ўтиш истагини билдирдилар. Улар аъзолликка қабул қилинди. **Б.ИСРОИЛОВ.**

Ижрони таъминлашга кўмаклашамиз

Давлат тижорат «Халқ банки» Поп тумани филиалидаги О'zLiDeP бошланғич ташкилотининг 12 нафар аъзоси зиммаларидаги вазифаларни теран англаб, партия нуфузи мустаҳкамлашишига ҳисса қўшапти. Хусусан, Юртбошимизнинг фермерлик фаолиятини янада тасмиллаштириш ва ривожлантириш билан боғлиқ фармонлари ижросига устувор вазифа сифатида ёндашилмоқда. Куйи бўғин етакчиси Зафаржон Ҳакимовнинг айтишича, фаоллар миқдорлар билан ишлашда янги ғоялар, таклифларни илгари суриб, бу борада аввало ўзлари ўрнатган кўрсатишга ҳаракат қилмаптилар. — Ҳўжалигимни кўп тармоқлига айлантириш ниятида эдим. Шу мақсадда банк мутасаддиларига мурожаат қилдим ва уларнинг ташвишларимга чинакам хайрихоҳ эканликларини ҳис этдим. — дейди тумандаги «Обиджон ота Адхамжон» фермер ҳўжалиги раҳбари Адхамжон Одиллов. — Хуллас, саноқли кунлар ичида 50 млн. сўм миқдоридидаги сармоядан фойдаланиш хуқуқини кўлга киритдим. **А.МУСУРМОНОВ.**

▲ АНИҚ САВОЛГА

— Сайловда қатнашадиган кузатувчига қайси ташкилот томонидан қандай ҳужжат берилади?

— «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасида кузатувчига округ сайлов комиссияси томонидан мандат берилиши кўрсатилган.

▲ АНИҚ ЖАВОБ

▲ РЕКЛАМА

Объявление

Фондом финансирования подготовки проектной документации по инвестиционным проектам при Ассоциации банков Узбекистана проводится конкурсный отбор проектных идей субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства.

Отбор проектных идей и финансирование разработки по ним проектной документации (ТЗО, бизнес-план) осуществляется на конкурсной основе. Конкурс проводится по следующим направлениям: создание новых производств, модернизация, техническое и технологическое обновление действующих производств в приоритетных отраслях промышленности.

К участию в конкурсном отборе допускаются идеи, обладающие инвестиционной привлекательностью и перспективной возможностью промышленного внедрения, а также идеи, предусматривающие увеличение объемов и улучшение качества производства продукции с использованием местного сырья и материалов, повышение производительности труда и др.

Участвовать в конкурсе могут юридические лица, предоставившие свои проектные идеи для подготовки проектной документации.

По наиболее перспективным и привлекательным инвестиционным проектам Фондом оказывается содействие в привлечение банковских кредитов для их финансирования.

Для участия в конкурсном отборе необходимо предоставить следующие документы:

Заявка (по форме);
Инвестиционное предложение (по форме);
Паспорт инвестиционного предложения (по форме).
Документы также принимаются в электронном виде.

Для подробной информации обращаться:
Тел: (+99871) 238-69-07, 238-69-08; Web-site: www.ffpd.uz E-mail: pdf.fund@gmail.com
Фонд располагается в здании Межбанковского Центра финансовых услуг по адресу:
г.Ташкент 100027, Шайхантахурский район, ул.А.Ходжаева,1.
Услуги лицензированы.

▲ ЭЪЛОН

Қорақалпоғистон Республикаси

«ТУРАН КИМ-ЗЫЯТ САУДАСЫ» МЧЖ

Чимбой тумани филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 27 августдаги 113-П-сонли буйруғи ва Чимбой тумани ҳокимининг 2014 йил 12 августдаги 366-сонли қарорига асосан яқна тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик қилиш хуқуқини реализация қилиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Чимбой туманидан 1 (бир) та ер участкаси аукцион савдосига қайта қўйилмоқда.

1. «Кокчи-қала» МПЖ худидан 5 та ер участкаси.
Ушбу ер участкасининг майdonи 400 кв.м. бўлиб, бошланғич баҳоси 46 900 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 6 декабрь куни соат 11.00 да Қорақалпоғистон Республикаси, Чимбой тумани, Дослик кўчаси, р/уй, 36-сонли мактабнинг мажлислар залида ўтказилди. Буортманомаларни қабул қилиш 2014 йил 5 декабрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси ҳисоб рақамига ихтиёрий равишда маркетинг ва маслаҳат-консалтинг хизматлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг ½ ҳажми миқдорда қўшимча тўлов тўлайдилар ва тузиладиган келишувга асосан ер участкасига бўлган хуқуқ бошланғич баҳосининг 100 фоизи миқдоридидаги гаров пулини «Туран Ким-Зыят Саудасы» МЧЖ Чимбой тумани филиали «Туран банк» Нукус шаҳар филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 9047 9270 1001, МФО 00585, СТРН 301273292. Савдо голибига савдо кунидан бошлаб 20 (Йигирма) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шартлари юклатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун савдо ташкилотчиси ва талабгор ўртасида гаров тўғрисидаги келишув имзоланади, шундан сўнг талабгор савдо ташкилотчисига аукцион савдосини ўтказиш тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукцион савдосида қатнашишга буортманомани тақдим этади:

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – паспорт нусхаси;
- хоржий юридик шахслар – уларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномасининг нусхаси, таъясчислар рўйхати ва устанининг белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси;
- чет эл фуқаролари — хоржий давлатнинг миллий ёки дипломатик паспорти;
- Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар – яшаш гувоҳномасининг нусхаси;
- гаров пули тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхасини тақдим этади.

Буортманомалар қабул қилинадиган манзил:
Қорақалпоғистон Республикаси, Чимбой тумани, Ю.Исмаилов кўчаси, 61-уй. Телефон: (8-361) 222-00-84.
Расмий сайтими: Turankz.kr.uz. Хизматлар лицензияланган. Лицензия: 0041

ИҚТИСОДИЁТ

Навоий ИЭС: кеча, бугун ва эртага ёхуд энергетикамиз гигантларидан бири фаолиятдан мухтасар лавҳалар

Мансур АСПОНОВ,
«XXI asr»

«Дўстлик» ордени Навоий кон-металлургия комбинати, «Қизилқумцемент» ва «Навоий-азот» акциядорлик жамиятлари, «Электр кимё заводи» каби санаот корхоналари сафида Навоий иссиқлик электр станциясининг ўз ўрни бор.

К Е Ч А

Воҳанинг «юраги», дея ҳақиқи равишда эътироф этилаётган мазкур корхона қурилиши Қизилқум сарҳадларини комплекс ўзлаштириш, унинг бағридаги табиий бойликларни қазиб олиш мақсадида ташкил этилган кон-металлургия комбинати билан чамбарчас боғлиқдир. 1963 йилнинг февралда комбинат таркибидagi бўлинма сифатида фаолият бошлаганида қуввати атиги 25 минг кВт бўлган битта энергия блокига эга эди. Ўша йилнинг июль ойида яна бир шундай қувватга эга иккинчи ва 1964 йилда қуввати 150 мегаватт-ли учинчи блок ишга туширилган-ди. Худуддаги санаот, қурилиш ва бошқа ишлаб чиқариш корхона-ларининг электр қувватига бўлган эҳтиёжини қондириш учун станция фаолиятини тизимли ташкил этиш, мамлакат ягона энерготизими имкониятларидан самарали фойдаланиш талаб этиларди. Шу боис орадан бир йил ўтгач, корхона республика энергетика тармоғи тасаруфига ўтказилди.

Навоий ИЭС матбуот хизмати-нинг раҳбари Истам Ҳамроевнинг таъкидлашича, 1981 йилга келиб мавжуд 12 та энергоблокнинг лойиҳавий қуввати 1250 МВт ни ташкил этган. Аммо сўнгги икки блок-нинг айланма сув совутиш тизими лойиҳасида Ўрта Осиёнинг иссиқ иқлим шароити ҳамда Зарафшон дарёси суви таркибининг минераллашми даражаси ҳисобга олинма-ганлиги натижасида 90-йилларга келиб ушбу қурилмаларда қатор муаммолар келиб чиқа бошлаган. Жумладан, турбоагрегатлар конденсаторида вакуум даражаси тушиб, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари кескин пасайган. Сувни кимёвий тозалаш цехи бошлиғи Намиддин Бобоқандов ҳамда инженер-технолог Наталья Генкина томонидан яратилган филтёрларни регенерациялаш циклида ишлатиладиган реагентлар эритмасидан қайта фойдаланиш усули

вазирати бироз юмшатди.

Мустақиллик шарофати билан бошқа соҳалар қатори энергетика корхоналарини ҳам жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш имкониятлари юзага келди. «Ўзбекэнерго» компанияси томонидан корхонани тўлиқ модернизациялаш, қайта жиҳозлаш дастури ишлаб чиқилди. Умумий қиймати 5,2 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 44 та инвестицион лойиҳанинг бири сифатида 11 ва 12-энергоблок, совутиш миноралари реконструкция қилинди, 40 мегаватт микдордаги қувват қайта тикланиб, йилига қўшимча равишда 200-220 миллион кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарила бошланди.

Б У Г У Н

Навоий иссиқлик электр станцияси АЖ директори, халқ депутатлари Кармана туман кенгашидаги О'zLiDeP депутатлиги гуруҳи аъзоси Қарамон Ганиевнинг эътирофи билан, айни кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ўрта иссиқлик электр станциясида ишлаб чиқарилаётган энергиянинг 17,5 фоизи айнан мазкур корхона ҳиссасига тўғри келаётди. «Ўзбекэнерго» ДАК билан Испаниянинг «INITEK ENERGIA» ҳамда Туркиянинг «CALIK ENERJI» компаниялари консорциуми ўртасида имзоланган, Япониянинг «Мицубиси» компаниясининг буг-газ турбиналари ҳамда генераторлари ўрнатилиши кўзда тутувчи халқаро шартнома бунга асос бўлди. Умумий қиймати 468 миллион долларли замонавий лойиҳа республика энергетика тизимига илк бор Навоий ИЭСда амалга оширилгани боис буг-газ қурилмасини тайёрлаш жараёнида вужудга келадиган техник, иқтисодий, ҳуқуқий, молиявий ва бошқа муаммоларни ечиш учун станцияда малакали мутахассис Иштиёр Абдуллаев раҳбарлигида махсус гуруҳ ташкил этилди. Етук кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Гуруҳ раҳбари ҳамда айни кунда қурилгани самарали ишлатишда фаол иштирок этаётган компьютер дастурлари бўйича масъул Латиф Ҳасанов, смена бошлиғи Жавлон Азимов, цех бошлиғининг ўринбосари Жамшид Бадридинов, участка бошлиғи Бунёд Дўстов, технолог Алишер Мусоев, катта машинист Зафар Маманов, операторлар Нурали Пирназаров, Жамшид Пирманов сингари ёшлар «Мицубиси»



компаниясида малака ошириб қайтишди. Монтаждан сўнг 505 МВт гача юкпаниш остидаги тест синовларидан муваффақиятли ўтган қурилма 2012 йилнинг октябрь ойида тўлиқ фойдаланишга топширилди. Шу тариқа Навоий санаот ҳудуди учун ўта муҳим бўлган электр энергияси етказиб берувчи янги қурилма иш бошлади. Жорий йилнинг ўтган 9 ойида ИЭС бўйича жами 6 миллиард 354 миллион 686 минг кВт соат электр ҳамда 1 миллион 426 минг 649 гигакалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилди. Бу эса модернизациялаш бошланган даврдаги қараганда газ ёқилган сарфини бир мунча камайтирган ҳолда ишлаб чиқариш қувватлари сезиларли ошганлигини кўрсатади.

Э Р Т А Г А

Ҳозир Навоий вилоятида мингдан зиёд санаот-ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий ва кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатяпти. Навоий халқаро аэропорти логистика маркази, эркин иқтисодий-индустриал зонасининг ташкил этилиши туфайли худуддаги корхоналар сони йил сайин ортиб бормоқда. Шу боис 2015-2017 йилларда ИЭСда 450 мегаватт қувватли янги қурилмани ишга тушириш белгиланган. Халқаро доираларда санаот, транспорт, экология ва ижтимоий соҳалардаги йирик халқаро лойиҳаларни амалга оширишда кўп йиллик тажрибага эга бўлган молиявий институтлардан саналувчи Япония Халқаро Ҳамкорлик Агент-



лиги (JACA) ушбу лойиҳанинг донори сифатида иштирок этиш таклифини билдиргач, ҳукуматларо келишув имзоланди. Айни пайтда станциянинг малакали энергетик, иқтисодчи, қурувчи-муҳандислари ҳамда ҳуқуқ-шунослардан иборат «Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи» тендер ҳужжатлари ва қурилиш майдончасини тайёрлаш ҳамда ОРУ-220 русумли очiq тақсимловчи қурилмаларни реконструкция қилиши тугаллаш устида иш олиб борапти. Эътиборли жиҳати шундаки, янги лойиҳада йилига 200 миллион гигакалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш ҳам кўзда тутилган. Бундай янгиланиш станциянинг 1960-йилларда қурилган ва ўзининг мавжуд техник ресурсларини батамом ўтаб бўлган иккита энергоблокни фойдаланишдан чиқариш имконини беради. Бу

эса уларда 310 МВт электр ҳамда 33 Гкалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш учун кетаётган мавжуд газ сарфини оширмаган ҳолда 450 МВт/соат электр ва 200 Гкал/соат иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилади, демакдир. Шу билан бирга, мазкур лойиҳани амалга ошириш орқали шартли ёқилги, ўз эҳтиёжлари учун электр энергияси, совутиш учун бериладиган айланма сув, қўшимча туз-силанатрилган сув сарфи ҳамда атмосферага ташланадиган зарарли чинкиди газларнинг миқдори кескин камайиб, шу туфайли станцияда катта микдордаги тежамкорликка эришилаётганлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Мухтасар айтганда, навоийлик энергетикларнинг бугунги улкан бунёдкорлик фаолияти уларни ёрқин ва нури келажакка олиб боришига асло шубҳа йўқ.

Ҳокимлар билан учрашувлар давом этмоқда

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилаётган Тошкент шаҳри туманлари ҳокимларининг оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашувлари давом этмоқда. Ўтган ҳафтада пойтахтнинг Олмазор ва Учтепа туманлари ҳокимлари журналистлар билан мулоқотда бўлишди

Рисолат МАДИЕВА,
«XXI asr»

Олмазор ҳокими Баҳодир Ғойибназаров ушбу туман Тошкент шаҳрининг санаоти тобора ривожланаётган ҳудудларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлади. Аҳолиси 334 минг нафардан зиёд, ер майдони 345 кв. км ни ташкил этади.

2014-2016 йилларда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига 316 та лойиҳа киритилган бўлиб, жами 25.9 млн. АҚШ доллари микдорига инвестиция жалб этилиши ва 1849 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Маълумот берилишича, жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида 3.1 млн. АҚШ доллари микдорига 213 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 621 та иш ўрни яратилган.

— 2014 йилнинг ҳудудий экспорт дастури бўйича режалаштирилган ишлар 101,7 фоизга бажарилди, — деди Б.Ғойибназаров. — Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги «Молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тўғрисида»ги қарорига кўра туманда 34 та корхона фаолияти қайта тикланди ҳамда 85 та янги иш ўрни яратилди. 201 та ана шундай корхоналар бўйича таҳлил ва ўрганиш ишлари олиб борилмоқда.

Учтепа тумани ҳокими вазифасини бажарувчи Азиз Каримбеков журналистлар саволларига жавоб қайтараркан, туманда оилавий тадбиркорликка қаратилаётган эътибор, айрим маҳаллаларда истиқомат қиладиган фуқароларнинг газ босими етарли эмаслиги борасидаги эътирозлари бўйича қўрилаётган чоралар, болаларни спортга жалб этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар, ободонлаштириш борасидаги тадбирлар хусусида алоҳида тўхталиди. Жумладан, газетамиз муҳбирининг туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка берилаётган эътибор, ишлаб чиқариш салоҳияти, инвестиция борасидаги имкониятлар хусусидаги саволига жавоб қайтарар экан, йирик корхоналар сони 36 тани ташкил этиши, шундан 4 таси санаот корхоналари эканлигини қайд этди.

— «Электроизолит», «Шайхонтоҳур текстиль», «Байпак текстиль», «Умумсоҳа бизнес» шулар сирасига қиради, — деди А.Каримбеков. — Туманда «Грeen профил», «Земир текс», «Анур текс», «Соттекс», «Богистон нон» каби 111 та қўшма корхона фаолият юритади. Ҳозирги кунда жами кичик корхоналар сони 860 та. Улар томонидан асосан озиқ-овқат, қандолат, мебель, қоғоз, сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Маълумот берилишича, жорий йил куз-қиш мавсумига тайёрларик қўриш жараёнида умумтаълим мактаблари, болалар боғчалари ва табиий таъминосалари учун 4 млрд. 725 млн. сўмлик бюджет маблағлари ажратилган. Шунингдек, мулоқотда 2013-2014 ўқув йилида тумандаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни тамомлаган 2131 нафар битирувчининг 1263 нафари бандлиги таъминлангани айтиб ўтилди.

Бугун ихтисослашган журналистлар керак

«Пойтахт» бизнес-марказида «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва ўрни» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ, ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг миллий ҳамда халқаро асослари, мамлакатимизда ушбу соҳага оид жорий қилинган халқаро ҳуқуқий мажбуриятларнинг бажарилиши, аҳоли ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш каби мавзулар бўйича маърузалар тингланди.

Давра суҳбатига ўз маърузалари билан қатнашган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Анвал Саидов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, шунингдек, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ҳамда Тошкент давлат юридик университети мутахассислари ўтган йиллар давомида мамлакатимизда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида», «Ахборот олиш нафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида» ва бошқа қонунларнинг қабул қилиниши юртимиз фуқароларининг аъъанавий, яъни шахсий ва сиёсий ҳуқуқларидан ташқари янги — иқтисодий, маданий ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун муҳим омили бўлиб хизмат қилаётганини эътироф этдилар. Шу ўринда давра суҳбати давомида мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган ОАВ ходимлари бир қатор танилфиларни ўртага ташлаганларини айтиб ўтиш лозим. Хусусан, «Туркистон-пресс» МАА муҳаррири Луиза Маҳмудова медиа соҳа вакиллари ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳақида сўз юритар экан, журналистларни маълум тармок ёки йўналиш бўйича ихтисослаштириш, семинар-тренинг, матбуот анжуманларига айнан шундай муҳирларни жўнатиш яхши самара беришини таъкидлади.

Тадбир якунида ОАВ ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Шухрат ХҲЖАЕВ.

Ишбилармонлар ҳамкорлиги

Пойтахтимизда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда Корея Республикаси ишбилармон доира вакиллари ўртасида кооперацион биржа ўтказилди.

Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон ва Жанубий Корея тадбиркорларининг ўзаро алоқаларини янада кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари муҳокама марказида бўлди. Қайд этиш лозимки, бугунги кунда икки мамлакат ўртасида 200 дан ортиқ келишув имзоланган.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикасида Жанубий Корея инвесторлари иштирокидаги савдо, енгил санаот, тоғ-кон металлургия, кимё, озиқ-овқат, машинасозлик, соғлиқни сақлаш, туризм ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларда 400 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазирлигида Кореянинг 80 га яқин фирма ва компаниялари аккредитациядан ўтган. Иштирокчилар, шунингдек, Ўзбекистоннинг инвестицион салоҳияти, хусусан, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона, «Ангрен» ЭИЗ имкониятлари ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоқларида икки томонлама ҳамкорлик истиқболлари билан танишдилар.

Тадбир доирасида маркетинг тадқиқотлар ва ўзаро кооперацион биржалар ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда «Джеонжу» университети ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.



Шухрат РАҲИМОВ,
«XXI asr»

Тадбирда алоҳида таъкидланганидек, мустақиллик йилларида Президентимиз ташаббуси билан демократик ислохотларнинг ажралмас таркибий қисми бўлмиш сайлов тизими босқич-ма-босқич ва илчил ислохот қилиниб, мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ нормалари талаблари, миллий-тарихий аъъаналаримизга мос сайлов қонунчилиги-

га асос солинди. Бу эса фуқаролик жамиятининг муттасил ривожланиб бориши, сиёсий партиялар ўртасидаги соғлом рақобат муҳитининг шаклланиши ҳамда ижтимоий-сиёсий жараёнларда аҳоли қатламларининг фаол иштирок этиши учун зармин яратмоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида сайлов эркинлигини таъминлаш ва соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича илгари сурилган ташаб-

буслар, шубҳасиз, сайлов жараёни янада эркинлаштиришда муҳим омил бўлди, — деди Тошкент давлат юридик университети ректори Есемурат Каньязов. — Жумладан, «Сайлов тўғрисида»ги қонун киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга таъқиқовий сайловдаги ташвиқотнинг моҳиятини очиб бериш ва унинг бир хилда тушунилишини таъминлаш учун мазкур терминга таъриф берилди, депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шартлар яратиш механизми самарадорлигини ошириш мақсадида унинг шакл ва усуллари аниқ белгиланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзоси Тўлқин Турсуновнинг таъкидлашича, жорий йилдаги сайловда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш йўналишида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан ташкил этилаётган турли лойиҳалар ҳам ўзига хос аҳамият касб этаётди. Айниқса, ёшларни мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, хусусан, сайлов ҳуқуқи борасидаги қонунчиликнинг такомиллаштирилиши юзасидан киритилаётган ўзгаришлар билан таништириш,

партия тизимида ёш етакчилар сафини кенгайтиришга қаратилган лойиҳа республикамизнинг барча ҳудудларида ўтказилаётганлиги диққатга молик.

Мазкур лойиҳа доирасида Қоразлопiston Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кесимида 30 минг нафарга яқин иштирокчи қамраб олинди. Ташкил этилаётган ўқув-семинарларда қатнашган ёшларнинг сайлов ҳуқуқи бўйича билим ва малакаларини оширилиб, уларда фаол фуқаролик позицияси шакллантирилмоқда.

Тадбир давомида талабалар «Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш босқичлари», «Халқаро сайлов стандартлари ва Ўзбекистон сайлов қонунчилиги: қиёсий таҳлил» каби мавзуларда маърузалар тингладилар.

Анжуманда 2014 йил 5 сентябрдан кучга кирган «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар алмашилди.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Нуфузли минбарда илгари сурилган ғоялар

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолият бошлаганига 69 йил бўлди

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»



Дунё тарихидаги энг қирин-барот урушдан сўнг бутун бориқч она табият бағрида яшовчи инсонлар ер қурра-сида тинчлик, дўстлик, бағрикенглик, биродарлик каби эзу амалларнинг гурирашидан умидвор бир пайтда барча давлатлар, минтақалар, бутун жаҳон ҳамжамиятининг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилиш ва ечиш учун бел боғлаган нуфузли халқаро тузилма — Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тамал тоши қўйилди. Ушбу тарихий воқеа ҳеч бир муболағасиз сайёраимиздаги жамияти халқларнинг тинч-тотув яшашдек эзу орзусининг ёркин ифодаси бўлди.

Фаолиятининг асосий йўналиши давлатлар ва миллатлар ўртасидаги низо ҳамда зиддиятларни фақат тинч йўл — музокаралар орқали ҳал этишга қаратилган мазкур ташкилот орадан кўп ўтмай бирин-кетин дунёнинг қайноқ нуқталаридаги зиддиятларни юмшатишга киришди. Жумладан, 1948 йили Ҳиндистонда Кашмир муаммоси ҳал этилди. Индонезия (1962 й.) ва Кипрда (1964 й.) юзага келган низолар бартараф қилинди. Яқин Шарқда уруш ўчоқларининг бир неча бор тўхтатилиши ҳозиргача тинчлик ўрнатиш бора-сидаги энг катта утуқлар сифатида баҳоланиб келинмоқда.

Ушбу ташкилот сайё-ҳаракати билан ўша кезларда авв паллага кир-раётган ядро уруши хавфининг олди олингани том маънода тарихий воқеа бўлди. Жумладан, 1981 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Ядро катастрорасининг олдини олиш тўғриси-сида” ва орадан икки йил ўтиб “Ядро урушини қоралаш” ҳақида декларация қабул қилинди.

Бугун ҳам дунё миқёсида тинчлик ва хавфсизлигини сақлаш, шунингдек, минтақаларо, давлатларо ва мил-латларо муносабатларни барқарор-лаштиришни БМТнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу маънода жаҳон халқлари манфаатлари, барча мамлакатларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий тараққиётини кўзлаб фаолият юритаётган мазкур ташкилотнинг обу-этибори ва нуфузи ортиб бормоқда. Утган 69 йил мобайнида айнан БМТ тинчликни му-стаҳкамлаш, инсоният олдида турган кўплаб муаммоларни ҳал этишга ҳам-мадан кўп ҳисса қўлди. Тинчлик ўрна-тувчи операцияларни амалга ошириб, кўпгина қайноқ нуқталардаги катта-ки-чи урушлар, маҳаллий низолар оло-вини ўчирди.

Дарҳақиқат, дунёнинг қарийб 200 га яқин давлатни битта мақсад йў-лида жипслаштирган мазкур ташки-лот сайёраимизда кечяётган сиёсий жараёнларни мувофиқлаштириш, минтақавий моҳороларни бартараф этиш, табиий офатларнинг олдини

олиш, қашшоқликка қарши курашиш, экологик мувозанатни яхшилаш каби кенг қамровли муаммоларни ҳал этиш йўлида фаолият юритиб келмоқда. Халқаро ҳуқуқ нормаларини шакллантириш ва ривожлантириш борасида ҳам БМТ хизматини алоҳида эътироф этиш керак. Ушбу йўналишда охириги 40 йилда амалга оширилган ишлар айниқса диққатга сазовордир. Хусусан, халқаро ҳуқуқнинг янги йўналишлари, жумладан, коиноти ўзлаштириш ва замонавий ахборот коммуникациялари, табиати муҳофазаси ва бошқа талай соҳаларда ҳуқуқий меъёрлар тизими яратилди. Дипломатик, консул-лик, денгиз ҳуқуқлари, шартномалар ҳуқуқи, хусусий ва иқтисодий ҳуқуқ-ни кодификациялаш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Ташқи сиёсатни юритиш ва халқаро баҳсларни ҳал қилишда кучдан фойдаланиш амалиётини тақиқловчи ҳуқуқий меъёрларнинг яратилишини эса бу борада эришилган энг муҳим ютуқлардан бири сифатида баҳо-лаш лозим. Айниқса, халқаро ҳуқуқда давлатларнинг тинчлиги ва хавфсиз-лигини таъминлаш, қуролли моҳороларнинг олдини олишга қаратилган бир қатор нормаларнинг яратилгани диққатга сазовордир. Бу бежиз эмас, албатта. Нуфузли ташкилот фаоли-ят юрита бошлаганидан буён ўтган давр мобайнида дунё таниб бўлма-са кўп урушлар, маҳаллий низолар оло-вини ўчирди.

Дарҳақиқат, дунёнинг қарийб 200 га яқин давлатни битта мақсад йў-лида жипслаштирган мазкур ташки-лот сайёраимизда кечяётган сиёсий жараёнларни мувофиқлаштириш, минтақавий моҳороларни бартараф этиш, табиий офатларнинг олдини

Амалда ҳам худди шунга эришила-япти. Бугунги кунда БМТнинг Тош-кентдаги ваколатхонаси қошида ўнга яқин агентлик узоқ муддатга мўлжал-ланган дастурлари билан фаолият юритаётгани юртимиз ва мазкур ташкилот ўртасида кенг миқёсли хамкорлик алоқалари йўлга қўйил-ганининг тасдиғидир. 2010 йилнинг апрелида эса Ўзбекистон ва БМТ муносабатларини янада мустаҳкам-лашга хизмат қиладиган ташриф амалга ошди. БМТ бош қотиби Пан Ги Муннинг Марказий Осиё, хусу-сан, Ўзбекистонга ташрифи халқаро доираларда катта қизиқиш уйғотди. Ушанда бош қотиб Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ва барқарор-лик ўрнатиш борасидаги тақлифи-ни юқори баҳолаб, мамлакатимиз халқаро нуфузининг тобора ортиб бораётганига алоҳида ургу берганди.

Дарҳақиқат, утган йиллар мобай-нида ушбу ташкилот Ўзбекистон учун том маънодаги халқаро минбарга ай-ланди. Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеяси йигилишларида бир неча бор халқаро террорчилик, диний экстремизм, пидҳанд моддалар ва ноқонуний қурол-яроғ савдосига қар-ши биргаликда курашиш борасидаги ташаббуслар билан чиқди. Нуфузли минбардан туриб, минтақадаги қатор муаммолар, жумладан, Афғонистондаги нотинч вазият ва унинг дунё барқарорлигига салбий таъсири ҳақида билдирилган фикрлар жаҳон афкор оммаси эътиборини жалб этди. Ушбу сайё-ҳаракатлар туфайли Мар-казий Осиёнинг ядро қуролсизлиги холи худудга айлантирилиши тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Европада хавфсизлик ва хамкорлик ташкилоти-нинг 1999 йилги Истанбул саммитида эса Ўзбекистон томонидан БМТ ҳузу-рида терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ ташкил этиш госяи иллари сурилган эди.

2010 йил 20-21 сентябрь кунлари Президентимиз БМТ бош қароргоҳи — Нью-Йорк шаҳрида ташкил этилган БМТ Бош Ассамблеясининг Минйил-лик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги яппи мажлисида қат-нин 2 мартдан бошлаб мамлакатим-изда глобал ва минтақавий муаммолар муҳокамаси ҳамда муҳим халқаро қарорларни қабул қилиш жараёнида иштирок этиб келаётгани билан ҳар-қанча фахрлансанк арзийди.

Юртбошимиз «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик-ка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт катталари» номли асариде «...фақат БМТга хавф-сизликни сақлаш ва таъминлашга хизмат қиладиган — олдини олишга қаратилган дипломатиядан тортиб то тинчлик ўрнатишга қаратилган операцияларда қатнашишга бўл-ган воситаларнинг ҳаммасига эга. Ўзбекистон ушбу ташкилот билан хамкорлик алоқаларига катта эъти-бор беради», дея таъкидлаган эди.

Юртбошимиз мазкур чиқишида Афғонистон масаласига яна бир қарра тўхталиб, мазкур мамлакатдаги вазият инсониятнинг энг ташвишли, чигал ва қарама-қаршиликка тўла муаммола-ридан бирига айлангани, қарийб 30 йилдан буён ушбу замида давом эта-ётган ҳарбий ҳаракатлар кутилган на-тижани бермаётгани, мамлакатда тин-члик ва барқарорликка эришишнинг муқобил йўлларини топиш ўта муҳим

эгани таъкидлаб, халқаро хамкор-ликнинг Марказий Осиёда хавфсиз-ликни таъминлашга хизмат қиладиган янги модели — “6+3” мулоқот гуруҳини ташкил этиш тақлифини илгари сурган эди. Афғонистонга қўшни олти мам-лакат — Эрон, Хитой, Покистон, То-жикистон, Туркменистон, Ўзбекистон, шунингдек, Россия, АҚШ ва НАТОдан таркиб топадиган мазкур мулоқот гу-руҳи афғон муаммосини бартараф этиш йўлларини топиш бўйича уму-мий принцип ва ёндашувларни муҳо-кама қилиши, тинчлик ва тотувликка эришиш бўйича самарадор музокара майдонига айланиши лозим эди.

БМТ минбаридан туриб халқаро ҳамжамият эътибори қаратилган яна бир долзарб масала — бу Орол му-аммосидир. Зеро, дунёда экологик вазият тобора мураккаблашиб бора-ётган бир шароитда мазкур масалага бефарқ қараб бўлмайди. Орол фожи-асининг оқибатлари нафақат бир мам-лакат ёки минтақа, балки бутун дунёга салбий таъсир кўрсатади. Бинобарин, қуриб бораётган Орол муаммоси — ушбу минтақада яшяётган, БМТдек нуфузли ташкилотга умид билан қара-ётган миллионлаб одамларнинг муам-мосидир.

Урганч шаҳрида ўтказилган «Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича хам-корликни ривожлантириш» мавзуди-ги конференция ҳам Оролни қўқариш халқаро жамғармасига раислик қила-ётган Ўзбекистон томонидан тақлиф этилган ва БМТ Бош ассамблеясининг 68-сессиясида расмий хужжат сифа-тида тарқатилган “Орол денгизи қури-шининг оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйида экотизимлар ҳолоқа-тининг олдини олиш бўйича чора-тад-бирлар дастури”ни амалга оширишга бағишланди.

Кейинги йилларда мамлақати-мизда туризм соҳаси жадаллик бил-лан ривожланиб, сайёҳлар оқими йилдан-йилга кўпаймоқда. Бунда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти — ЮНВТО билан хамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон мазкур ташкилотга 1993 йилда аъзо бўлган. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Икрияя кенгаши 99-сессиясининг Самарқанд шаҳрида ўтказилгани эса Ўзбекистон ва БМТ хамкорлигининг янада кен-гайишига хизмат қилмоқда. Мазкур халқаро анжуман жаҳон жамоатчи-лигини мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги улкан имкониятлари билан таништириш, хориж компани-ялари билан хамкорликни янада кен-гайитириш, ўзаро тажриба алмашиш майдонига айланди.

Мухтасар айтганда, ўтган давр мобайнида мамлакатимиз Бирлаш-ган Миллатлар Ташкилотининг фаол аъзоларида бирига айланди. Гло-бал масалаларга оид муҳим тақлиф ва ташаббуслари билан давлатимиз халқаро майдонда нуфузини янада мустаҳкамламоқда.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Ҳам амалий, ҳам назарий ёрдам

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни кўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо мазкур жамғарма қисқа муддат ичида тадбиркорларнинг ўз ёрлиғи ва бренди туширилган маҳсулотлари билан хорижий харидорлар эътиборини қозониши учун бир мунча ишларни амалга оширди

Шаҳзод НАЗАРОВ,
«XXI asr»

Хусусан, мазкур тузилма-нин Фарғона вилоят филиалини олайлик. Жорий йилнинг ўт-ган даврида 97 та кичик бизнес субъектнинг экспорт шартно-маларини рўйхатдан ўтказиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларга мувофиқлик сертификатини олиш, божхона хўжжатларини расмийлаштириш, ташқи бозор-да мамлакатимизда тайёрлан-ган маҳсулотларга бўлган талаб ва эҳтиёжни ўрганиш, шартно-маларни сугурта қилиш билан боғлиқ ёрдам натижасида 90.0 млн. АҚШ доллар миқдоридеги экспорт операцияси амалга оши-рилди.

Жамғарма филиали томо-нидан вилоят Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси ҳамда унинг таркибидеги ташқи савдо ком-

паниялари билан хамкорликда олиб борилган сайё-ҳаракатлар туфайли ўтган 9 ойда 31 та ки-чик бизнес субъекти экспорт фа-олиятини йўлга қўйди. Ҳозирги кунда 10 хилдаги янги маҳсулот ташқи бозорга чиқарилиб, экс-порт жүрғорфияси 29 та давлатни қамраб олди.

Бунга қўшимча равишда ви-лоятдаги ишлаб чиқариш фао-лияти билан шуғулланувчи 140 та кичик бизнес субъектларининг маҳсулот намуналари асоси-да тижорат тақлифлари ишлаб чиқилиб, чет эллик харидорларга ҳавола этилмоқда.

Натижада Жанубий Корея-нин «Астра», Туркиянинг «Хан-мели Мейс фуд продакшн» компаниялари мева-сабзавот, «Буманти ич ве диш» тижорат ширкати ҳалқ истеъмоли мол-лари, Россиянинг «Перфекта» МЧЖ корхонаси гигиеник сал-феткалар ва «Канцлер Стайл» корхонаси билан трикотаж газ-ламалар, «Изоминка» МЧЖ ва

Нижний Услан консерва заводи мева-сабзавот, Қозогистоннинг «Дипксим» ташқи савдо компани-яси текстиль ва бошқа маҳсу-лотлар экспорти бўйича музока-раларга киришган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш, уларга яқиндан ёрдам бериш мақсадида вилоят ҳокимининг «Ишбилармонлик муҳити ва инвестиция иқлимини янада ях-шилаш юзасидан қабул қилинган дастурлар ижросини кучайтириш тўғрисида»ги қарори асосида Савдо-саноат палатаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвести-циялар ва савдо бошқармаси, Марказий банк, божхона ҳамда солиқ бошқармалари хамкорли-гида жойларда «Бизнес билан шуғуллан» тамойили асосида туркум телекурсатувлар эфирга узатилди.

Шу билан бирга тадбиркор-ларга янада қулайлик яратиш мақсадида «Ташқи иқтисоди



ча қўлланма» тайёрланиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тақдим этиляпти. Ушбу қўлланмада экспорт билан боғлиқ барча масалалар, яъни Президентимиз ҳамда ҳукумати-миз томонидан қабул қилинган

қарор, фармон ва қонунлар маз-мун-моҳияти очиб берилган. Та-бийки, мазкур қўлланма кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини янада ривожлантиришда муҳим аҳами-ят касб этади.



Сифат — тараққиёт гарови

Қашқадарё — мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиб, ижтимоий тармоқлар фаолияти давр талаби асосида ташкил этилаётган, турмуш даражаси кундан-кунга яхшиланган бораётган ҳудудларидан бири саналади

Зиёдулла МҲМИНОВ,
«XXI asr»

Таҳлиллар кейинги йилларда вилоятда саноат, қишлоқ хўжали-ги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бораётганини кўрсат-моқда. “Муборакнефтьгаз”, “Муборак газни қайта ишлаш заводи”, “Шўр-таннефтьгаз” унитар шўъба корхоналари, “Шўртангазким” мажмуаси, Деҳқонobod қалийли ўғитлар заводи каби саноат корхоналари қатори-да минглаб тадбиркорлик субъектлари ҳам бугунги кунда жаҳон андо-заларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқараётган.

Ана шу маҳсулотларга нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам катта талаб мавжуд. Бу эа импорт ўрнини босадиган, экспортбop то-варлар тури кўпайиб, улар сифат жиҳатидан йил сайин яхшиланиб бораётганидан далолатдир. Вилоят ялли ички маҳсулоти салмоғида хусусий секторнинг улushi ошиб, қарийб 60 фоизни ташкил этаётгани ҳам фикримиз тасдиғи бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқарилаётган ана шу маҳсулотларнинг сифат даражасини Қашқадарё синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси мувофиқлаштириб туради.

— Марказимиз мутахассислари тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар мурожаатларини қисқа муддатда қўриб чиқиш, маҳсулот-лар синовини ўтказиш ва уларга сифат сертификатлари тақдим этиш орқали ички истеъмол бозорини яроқсиз маҳсулотлардан ҳимоялашга ҳаракат қилишмоқда, — дейди корхона директори Абдурахмон Исма-тов. — Рақамларга мурожаат қиладиган бўлса, марказимиз томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қурилиш ва сантехника, машинасозлик, электротехника буюмларини сертификатлаштириш учун тадбиркорлар ва ишлаб чи-қарувчилардан тушган қарийб 1800 та ариза-мурожаат асосида тегишли мувофиқлик сертификатлари расмийлаштириб берилди. Тадбиркор-ларимиз ишлаб чиқариётган маҳсулотлар сифат жиҳатдан яхшиланиб бораётган бўлса, яна бир муҳим томони чет тилларида бемалол гапла-ша оладиган мутахассислар турли йўналишдаги корхоналар ташкил этишяётганидир. Бир сўз билан айтганда, усти ялтироқ, ичи қалтироқ маҳсулотларни бугун деярли учратмайсиз. Истеъмолчиларнинг талаб-чанлиги, маҳсулот сифати, унинг яроқлилик муддати хусусидаги серти-фикатни сотувчидан талаб қилаётгани эса соҳа ходимлари ишини анча енгиллаштиряпти.

Марказ томонидан сертификатлаштирилган маҳсулотлар бўйи-ча белгиланган режа асосида инспекция назорати ўтказиб турилади. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида вилоятдаги 309 та корхона фаолияти ўрганилди. Ўтказилган назорат натижаларига кўра, 232 та корхонага берилган 241 та мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати тасдиқланган бўлса, 36 та корхонага тегишли 45 та мувофиқ-лик сертификатининг амал қилиш муддати маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясига риоя қилинмаётгани сабабли вақтинча тўхтатилди.

Эътибор беринг, марказнинг биргина «Қувват» аккредитланган синов лабораторияси томонидан жорий йилнинг 9 ойи мобайнида электротехника, машинасозлик, тўқимачилик, нефть маҳсулотлари, рўзгор буюмлари бўйича 24538 та синов ўтказилган ҳолда 1271 та баённома расмийлаштирилди. 9 хил маҳсулот истеъмолга яроқсиз, деб топил-ди. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш, товар ишлаб чиқарувчиларга маслаҳат ва кўмак бериш мақсадида корхоналар, тадбиркорлик субъ-ектларига чиқилиб, маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг нафақат ички, балки халқаро стандарт талабларига жавоб беришини таъминлаш бо-расида керакли ёрдам кўрсатилмоқда. Интеграллашган сифат тизим-ларини босқичма-босқич жорий этиш мақсадида 2 та корхона — «Қар-ши ёғ-экстракция» АЖ ва «Қосон ёғ-экстракция» АЖда ISO 9001 ва ISO 2200 сифат менежменти тизимлари жорий этилди.

Хозирда Қашқадарё синов ва сертификатлаштириш марказида 80 га яқин ходим фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг аксарияти олий маълумотга эга бўлган мутахассислардир. Шунингдек, саноат йўна-лишидаги касб-хунар коллежлари битирувчилари ҳам ишга жалб этилмоқда. Ҳар йили марказнинг бир қатор мутахассислари Стан-дартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институтида ўзларининг касбий малакаларини ошириб қайтишади. Шу-нингдек, ўзаро тажриба ортириш мақсадида марказ мутахассислари турдош идораларда бўлишади.

— Масалан, 2013-2014 йилларда бир қатор мутахассисларимиз Навоий синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонасининг «Ўлчов воситаларини давлат метрологик қиёсловдан ўтказиш» бўли-ми, «Ўзстандарт» агентлиги бошқармаларида тажриба алмашишди, — дейди А.Исмавов. — Шу билан бирга марказда Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти билан хамкорликда техник ўқишлар ўз вақтида ўтказиб келинмоқда. Синов лабораториялари базасини ривожлантириш мақсадида сўнгги йиллар мобайнида ўлчов воситалари, синов ускуналари ҳамда аккредитация доирасини кенгайтириш режа дастурига кўра озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидеги оқсил миқдорини аниқлашга мўлжалланган 40 га яқин янги турдаги замонавий жиҳозлар ўрнатилди.

Марказ мутахассислари тадбиркорлар, маҳсулот ишлаб чиқарув-чилар мурожаатларини қисқа муддатда қўриб чиқиш, ички истеъмол бозорини сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоялашга ҳаракат қилишмоқда. Мурожаат қиладиганларнинг аксариятини ишбилармонлар ташкил этишини ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда маҳсулот салмоғини оширишга ҳисса қўлиши, буюртмачиларга тез ва сифатли хизмат кўр-сатишни ўзимизнинг бош вазифамиз, деб биламиз.

СЎНГГИ САҲИФА

Биринчи банкомат қачон ишга тушган?

Октябрь ойи бошларида Сомалининг энг йирик шаҳри — Могадишодаги меҳмонхонада мамлакатдаги биринчи банкомат ишга туширилди. Миллий валюта — сомали шиллинги ҳаддан зиёд қадрсизлангани боис «Saiaam Somali Bank» маъмурияти мижозларга ушбу курилмадан фақат АҚШ долларини олиш имкониятини яратган. Маълумотларга кўра, банкоматларни биринчи марта кўрган сомалиликлар аввалга ундан фойдалана олмай, қийналган бўлсалар-да, эндиликда пул «берадиган» машинага секин-аста кўникиб бораётган. Ўз навбатида мазкур мамлакат аҳолисининг салмоқли қисми ўз оиласини араб давлатларида меҳнат қилган ҳолда боқадганини айтиб ўтиш жоиз. Банкоматларнинг ўрнатилган бошлангани эса чет элда ишлаётган сомалиликлар ва уларнинг оилалари мушкуллари осон қилиши аниқ.

Этиборлиси, дунёдаги биринчи банкомат прототипи 1939 йилда америкалик Лютер Симпсон томонидан иxtиро қилинган бўлса-да, моливий муассасалар ушбу курилмадан ўтган асрнинг 60-йилларида оммавий тарзда фойдалана бошлаган. Бугунги кунда мижозларга ажҳон бўйича тахминан 2,5 миллионга банкомат хизмат қилмоқда. Фахридан НУРАЛИЕВ тайёрлади.



Юракка айланган тарвуз

Япониялик фермер Хироичи Кимура юрак шаклидаги тарвузларни етиштира бошлади. Хабарларга кўра, Кунчиқар юртининг миришкор дехқони бундай натижага осонликча эришмаган. Хусусан, асосий вақтини тажриба майдонларида ўтказган фермер қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштириш соҳасига оид махсус адабиётларни ўқиб чиққан. — Тарвуз мева тугиши билан уни махсус қилишга солиш — бу жараёнинг бир қисми, холос, — дейди Х.Кимура. — Зеро, полиз экинни пишиб етилгунича уни зарур озуклар, ҳарорат ва сув билан таъминламасангиз, барча ҳаракатларингиз зое кетади. Этиборлиси, юрак шаклидаги тарвузларнинг мазаси талаб даражасида бўлгани боис, фермерга кейинги мавсум ҳисобидан ҳам буюртмалар туша бошлаган. Антика шаклдаги полиз экиннинг нархи ҳозирча ошқор қилинмапти.



Майк Тайсон — Ёзувчилар уюшмаси аъзоси бўладими?

Москвада бокс афсонаси — Майк Тайсоннинг «Шафқатсиз ҳақиқат» номили китоби тақдироти бўлиб ўтди. Этиборлиси, мазкур тадбирда чарм кўлоқ устасига Россия Ёзувчилар уюшмасининг аъзолик гувоҳномаси топширилиши мумкинлиги айтилган. Маълум бўлишича, америкалик адиб Ларри Сломэн ҳаммуаллифлигида хотиралар кўрнинида ёзилган ушбу китобда «Темир Майк» ўтган даврда бошдан кечирганларини, хусусан, болаликдаги қийинчиликларни, жуда қисқа фурсатда кўлга киритилган ғалабалари-ю, инқирозга учрагани сабабларини баён этган. Таъкидлаш жоизки, ўтган асрнинг 80 ва 90-йилларида Тайсон энг ёш чемпион сифатида, шунингдек, энг оғир вазн тоифасида рақибларини нокаутга учратиш бўйича ҳозиргача янгиланмаган натижаларни қайд этиб, икки мартаба Гиннеснинг Рекордлар китобидан ўрин олган. 2005 йилда фаолиятини тўхтатган Майк бир неча марта «Жаҳоннинг энг яхши боксчиси» унвонига сазовор бўлган.

Ватанпарварлик, ирода ва матонат китъа рекордини ўн икки мартаба янгилаш учун замин яратди



Шухрат ХЎЖАЕВ, «XXI asr»

Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида имконияти чекланган спортчилар ўртасида бўлиб ўтган II ПараОсиё ўйинларида муваффақиятли иштирок этган ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида 41 давлат орасида фахри бешинчи ўринни банд этдилар.

Унда қатнашган 27 нафар спортчимиз, таъбир жоиз бўлса, ўз имкониятларидан ортиқ даражада фаоллик кўрсатиб, терма жамоа ҳазинасига 31 (22 та олтин, 5 та кумуш ва 4 та бронза) медаль тақдим этдилар. Зеро, мазкур беллашувларда вакилларимиз сингари фақат Хитой (ўйинларда 226 нафар спортчи билан иштирок этган Чин юрти вакиллари 317 та медалга сазовор бўлган) терма жамоаси аъзоларига делегация таркибидан ўрин олган спортчилар

сонидан кўпроқ медаль билан тақдирландилар. Хусусан, умумжамоа ҳисобида ўзбекистонлик паралимпиячилардан юқори ўринларни эгаллаган Корея Республикаси (321 нафар), Япония (291), Эрон (198), шунингдек, муваффақиятли иштирок этган ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида 41 давлат орасида фахри бешинчи ўринни банд этдилар.

II ПараОсиё ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчилар рўйхати:

1. Фахридан Ҳамраев (енгил атлетика, югуриш, 4 та олтин ҳамда 3 қарра Осиё рекордчиси).
2. Кирилл Паньков (сузиш, 4 та олтин, 2 қарра Осиё рекордчиси).
3. Дмитрий Хорлин (сузиш, 3 та олтин ва 3 қарра Осиё рекордчиси).
4. Маъруфжон Муродиллаев (югуриш, 2 та олтин ва 2 қарра Осиё рекордчиси).
5. Мавлонбек Ҳайдаров (ядро улоқтириш, 1 та олтин ва Осиё рекордчиси).
6. Хуснидан Норбеков (диск ва ядро улоқтириш, 1 та олтин, 1 та кумуш ва Осиё рекордчиси).
7. Миран Саҳодов (югуриш, 1 та олтин, 2 та кумуш ва Осиё рекордчиси).
8. Дониёр Солиев (югуриш, эстафета, олтин ва Осиё рекордчиси).
9. Улубек Чориев (югуриш, эстафета, олтин ва Осиё рекордчиси).
10. Севинч Салаева (дзюдо, -52 кг., олтин).
11. Шерзод Намозов (дзюдо, -60 кг., олтин).
12. Нурбек Бердиев (дзюдо, -66 кг., олтин).
13. Феруз Саидов (дзюдо, -73 кг., олтин).
14. Шариф Халилов (дзюдо, -81 кг., олтин).
15. Шухрат Аббасов (дзюдо, -90 кг., олтин).
16. Фидржон Тулендиев (дзюдо, +100 кг., олтин).
17. Ғуллажон Мирзиёлов (тузулинича сакраш, кумуш).
18. Ғуллажон Раҳимов (дзюдо, -70 кг., кумуш).
19. Дамир Пашаев (югуриш, бронза).
20. Сирожиддин Норов (югуриш, 2 та бронза).
21. Ширин Шарипов (дзюдо, -100 кг., бронза).

қарийб 200 нафар спортчидан иборат делегация билан қатнашган.

Ўз навбатида бундан тўрт йил аввал Гуанчжоуда ўтказилган I ПараОсиё ўйинлари давомида вакилларимиз томонидан жами 6 (1 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза) медаль кўлга киритилганини, бу йил эса матонатли спортчиларимиз аввалги кўрсаткичи бир неча баробар яхшилашдан ташқари, 12 мартаба (11 таси индивидуал ва 1 та жамоавий) китъа рекордини янгилашга ҳам муваффақ бўлганларини айтиб ўтиш жоиз.

Ишончимиз комилки, «Инчон-2014»да қатъий иродасини кўрсатган вакилларимиз 2016 йил Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XV Паралимпия ўйинларида ҳам улкан ғалабаларга эришган ҳолда юртимиз довури бутун дунё бўйлаб ёйлишига муносиб ҳис-сана қўшади.



Озод юртининг обод оиласи

Пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги Қўшбеги маҳалласида истиқомат қилувчи Иброҳим ака Ҳақимов 1975 йили Тошкент халқ хўжалиги институти (ҳозирги иқтисодийт университети)нинг Молия-кредит факультетини муваффақиятли битириб, дастлабки иш фаолиятини Фарғонадаги олтингугурт қонида бошлади. Сўнгра Қўқондаги коммунал хўжалик техникумида, 1980 йилдан эса Тошкент Давлат иқтисодийт университетида дарс берди. Айни пайтда «Агробанк»нинг Методология ва тренинг маркази бошлиғи сифатида фаолият юритмоқда.

Иброҳим ака 2004 йилдан O'zLiDeP аъзоси. У етакчилик қилаётган БПТда айни кунда 92 нафар партия аъзоси бор. Турмуш ўртоғи Шоҳидахон Ҳақимова инженер-технолог. Ўғли Илҳомжон Тошкент давлат иқтисодийт университетини битириб, айни пайтда тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Шириндан-шакар неваралар Сирожиддин ва Ойбекжон оиланинг ҳаёт мазмунига айланган.

ЛАТИФАЛАР

Қиз булажак қайлиғига деди: — Жоним, турмуш кўрганнимиздан кейин телевизорда футбол томоша қилиш, стадионга қатнашдан воз кечаси. — Хулп. — Чекиниши ташлайсиз. — Албатта. — Пиво ичишни ҳам. Қорин қўймаганингиз маънўл. — Бўлдимми? — Нима, яна бирор ёмон одатингиздан воз кечасизми? — Ҳа, сенга уйланишдан. — Эшмат балиқ овидан хомуш қайтарди, йўлда дўсти Мамарайим чиқиб қолиб сўради: — Нечта балиқ тўтдинг? Эшмат Мамарайимга қараб, агар челакини ичиди нечта балиқ борлигини топсанг, иккаласининг ҳам сенга бериб юбораман, дермиш.

Бўлажак чемпионлар қўллаб-қувватланмоқда

O'zLiDeP ўз саъй-ҳаракатларини ҳар томонлама намол топган, Ватанига содиқ, ривожланган бозор муносабатлари ва фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида фаол иштирок этишга тайинланган ва қизларни тарбиялашга йўналтириб келмоқда. Масалан, 2014 йил 10-12 октябрь кунлари Денов туманида O'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши ташаббуси билан «Соғлом авлод — келажак пойдевори» широри остида бокс бўйича турнир ўтказилди. Унда 1999-2004 йилларда туғилган 40 нафар бола иштирок этди. Кескин курашлар натижасида 10 та вазн тоифасида ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Денов бокс мактаби Сурхондарё вилоятида ўзига хос мавқега эга. Бу тумандаги тўғрақларда тажрибали мураббийлар Алишер Жўтанниев, Бобур Отамурадов ва Турдали Шокиров самарали фаолият олиб бориб, ёшларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилмоқдалар. — Бугун бу ерда эртага Руфат Рискиев, Мухаммадқодир Абдуллаев, Ўткир Ҳайдаров каби мамлакатимизни дунёга танитган машҳур боксчиларнинг издошларини кўрганнимизга шубҳамиз йўқ, — деди O'zLiDeP Денов туман кенгаши раиси Чўтбой Абдураимова. — Боксчи ёшларимиз ғалаба учун астойдил курашдилар. Партиямиз мамлакатимиз байрогини жаҳон ареналарида юқори кўтарганидан ёшларни қўллаб-қувватлашда давом эттаверди. Мусобақа сўнггида ғолиб ва совриндорлар O'zLiDeP вилоят кенгаши томонидан таъсис этилган медаллар, дипломлар ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Дилрабо РАҲМОНОВА.

ЎОБ-ҲАВО

Ўтган ҳафтада юртимизга кириб келган совуқ ҳаво ҳарорати қишнинг яқинлашаётганидан дарак бермоқда. Аёзли иссиқ, вақти-вақти билан ёғадиган ёғиннинг қорга айланиши ҳадемай борлик оппоқ ранга бурканишига ишора қилаётгандек. Соҳа мутахассислари маълумотига қараганда, шу ҳафта охири ҳамда келаси ҳафтада республикамизда нисбатан илиқ ҳарорат кузатилади. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида кечаси -3...-8, кундузи +10...+15, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида эса кундузи +15...+20 даражагача кўтарилиши кутулимоқда. Юртимиз шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида кечаси -2...+3 даражадан +2...+7, кундузи +18 даража атрофида бўлади. Тошкент вилояти ҳамда пойтахтимизда ҳарорат кечаси -1...-2 даражадан +7, кундузи +18 даражагача иссиқ мумкин. Тоғли жойларда ҳарорат ўзгарувчан бўлиб, кечаси -3...-8 даражадан +3, кундузи ...+10 гача кўтарилади.



РЕКЛАМА

3AZ FORZA
Автомобили для жизни!

Автосалон в Ташкенте
тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХТ»)

3AZ
www.sardor-avto.uz
Товар сертифицирован.

АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ўзстандарт» агентлиги «Метрология хизматлари кўрсатиш маркази» давлат корхонаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 15 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори доирасида жорий йилнинг 1 июлидан «Интерактив давлат хизматлари ягона портали»да «Ўлчов воситаларини давлат текширувидан ўтказиш учун электрон талабнома бериш» интерактив давлат хизматини йўлга қўйди.

Сиз қачон, қаерда бўлманг, хонадонингиз, корхоналарингиздаги ўлчов воситаларини давлат текширувидан ўтказиш хизмати хабарни жойлаштиришингиз, шунингдек, марказимиз фаолияти юзасидан таклиф ва эътирозларингиз бўлса online режиминда фаолият юритадиган www.mtkm.uz сайтига юборишингиз ёки «Ўзстандарт» агентлигининг (0-371) 150-23-00, марказимизнинг (0-371) 150-26-03 рақамли «Ишонч телефонлари» орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Марказимиз мутахассислари Сизнинг мурожаатингизни безъатибор қолдиришмайди.

«Ўзстандарт» агентлиги
«Метрология хизматлари кўрсатиш маркази» давлат корхонаси
Хизматлар лицензияланган.

XXI ASR
LITIMOIY-SIVOSIY GAZETA

TADBIRKORLAR VA ISHIBLARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАХРИРИЯТ: Темир АБДУРАХМОНОВ, Марк ЮСУПОВ, Солижон ЗОИРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асқор ИСТАМОВ, Акбар МУЗАФФАРОВ, Шаҳзода НАЗАРОВ, Мухаббат РАВШАНОВА, Шухрат РАҲИМОВ, Носир ТОШЕВ, Шухрат ХЎЖАЕВ, Наргиза ҚАҲҚАРОВА, Янгибой ҚўЧҚОРОВ.

БЎЛИМЛАР: Нотибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Рекалма ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. **ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** axborot@21asr@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru

© «XXI ASR»нинг олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. БОШ МУХАРРИР: ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ: Озод РАҲАБОВ.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» иқтисодий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июлда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: S 1256 Тираж: 11502
Баҳас келишилган нарҳда.
Топшириди — 20.00

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X

Навбатчилар: Н.ТОШЕВ, М.РУЗИЕВ.